

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:339.1(543)
ББК:65.42 (543)
С-21

САИДОВ ФИРУЗ БАХТИЯРОВИЧ

**МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА ИҚТИСОДЁТНИНГ ТАРМОҚ
ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ
(ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН МИСОЛИДА)**

Мутахассислиги: 5A231001 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва
мамлакатшунослик (МДҲ мамлакатлари)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доц. Эрмаматов Ш.Ж.

ТОШКЕНТ – 2013

Магистрлик диссертацияси ҳимояга тавсия этилади

Магистратура бўлими

бошлиғи

Сайдазимова У.Т.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	10
1.1. Миллий иқтисодиёт таркиби ва уни такомиллаштиришнинг объектив зарурлиги.....	10
1.2. Иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида.....	18
2-БОБ. МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРМОҚ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАҲЛИЛИ.....	24
2.1. Ўзбекистон ва Қозоғистонда иқтисодиётнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар йўналишлари.....	24
2.2. Тадқиқ этилаётган мамлакатларда ташқи савдонинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар ва унга таъсир этувчи омиллар.....	31
3-БОБ. МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	45
3.1. Инвестициялар таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг муҳим омили сифатида.....	45
3.2. Ўзбекистон ва Қозоғистон иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни жадаллаштириш истиқболлари.....	57
3.3. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш истиқболлари.....	65
ХУЛОСА.....	73
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	78

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтишнинг “ўзбек модели” тамойиллари асосида олиб борилаётган кенг камровли иқтисодий ислохотлар натижасида 1996 йилдан бошлаб олдинги йилга нисбатан, 2001 йилдан бошлаб эса 1991 йилга нисбатан ЯИМ ҳажмининг барқарор равишда ўсишига эришилди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi таъсирида юзага келган муаммо ва қийинчиликларга қарамай, 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни, 2010 йилда 8,5 фоизни ташкил этди. Иқтисодий ўсиш суръатлари кейинги йилларда ҳам давом этди ва 2011 йилда 8,3 фоизга, 2012 йилда эса 8,2 фоизга тенг бўлди¹.

Иқтисодиётда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришлари туфайли 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 26 фоизга етди². Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори кўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди.

Юқоридаги ижобий ўзгаришларга қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бугунги кундаги долзарб масала бўлиб қолади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Ҳаммамиз яхши биламизки, бизга собиқ совет тизимидан бир томонлама ривожланган, фақат хом ашё етиштиришга йўналтирилган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли даражада авжига чиққан, ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси ўта қолоқ, аҳоли жон бошига истеъмол кўрсаткичи энг паст бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди.

Шуни эътиборга оладиган бўлсак, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш вазифасини ҳал этиш қанчалик муҳим

¹ Экономика Узбекистана /Информационно-аналитический бюллетень за 2012 год. – Т., 2013. – С.5.

² Экономика Узбекистана /Информационно-аналитический бюллетень за 2012 год. – Т., 2013. – С.22.

стратегик аҳамиятга эга экани ҳақида ортиқча гапиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман”³.

Таркибий ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири – миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштиришдир. Бунда асосий эътибор ҳом ашё етиштиришга ихтисослашган иқтисодиётнинг бир томонламалигини бартараф этиш, иқтисодиёт таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори товарлар ишлаб чиқариш улушини оширишдан иборатдир. Зеро, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашни таъминлашга иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган товарлар таркибида тайёр маҳсулотлар улушини ошириш орқалигина эришиш мумкин. Шу муносабат билан МДҲ мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларида иқтисодиётнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар йўналишини таҳлил қилиш, уни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллий иқтисодиёт таркиби, уни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари доимий тарзда хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи-олимларининг диққат марказида бўлиб келган. Миллий иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, иқтисодиёт таркибининг иқтисодий ўсишга таъсири масалалари хорижлик иқтисодчилар⁴ - Л. В. Кантарович, В. В. Леонтьев, С. Кузнец, П. Самуэльсон, В. Нордхаус ва бошқалар томонидан чуқур ўрганилган.

Миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркиби ва уни такомиллаштиришнинг назарий жиҳатлари, унинг барқарор иқтисодий ўсишга таъсири каби масалалар МДҲ олимлари – А.И. Анчишкин, М.З. Бор, Н.И. Ведут, Ю.Ф.

³Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б.7.

⁴ Кантарович Л.В. Избранные сочинения. Математико-экономические работы. – Новосибирск: Наука, 2011. – 756 с.; Кантарович Л.В. Оптимальные решения в экономике. – Новосибирск: Наука, 1972. – 128 с.; Леонтьев В. Экономические эссе. Теории, исследования, факты, политика. – М., 1990. – С. 11-15.; Кузнец С. Экономический рост наций: совокупный выпуск и производственная структур. – М., 1992. – 456 с.; Самуэльсон Пол, Вильям Нордхаус Экономикс. – М.: Вильямс, 2006. – 1360 с.

Воробьев, С.К. Демченко, В.В. Косов, Я.А. Кронрод, В.И. Маевский, А.И. Ноткин, Н.Я. Петраков, С.С. Шаталин, Ю.В. Яременко⁵ ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар ва унга таъсир этувчи омиллар, таркибий ўзгаришларнинг миллий иқтисодиёт ривожланишида тутган ўрни ва роли, Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ таркибини такомиллаштириш масалалари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар - А. Ш. Бекмурадов, А. Исаджанов, А. Ф. Расулев, Н. Т. Тўхлиев, У. В. Ғафуров⁶ ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Юқорида номлари келтирилган олим ва мутахассисларнинг ушбу соҳани ўрганишга қўшган ҳиссаларини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз иқтисодий адабиётида МДХ мамлакатларида иқтисодиётнинг тармоқ таркибида юз бераётган ўзгаришларни қиёсий таҳлил қилиш, бу жараёни жадаллаштиришнинг асосий йўналишлари каби масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаган. МДХ мамлакатларида иқтисодиётнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришларни қиёсий таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурияти ушбу магистрлик диссертацияси мавзусининг танланишига асос бўлди.

Магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари иқтисодиётининг тармоқ таркибидаги ўзгаришларни таҳлил

⁵ Анчишкин А. Методы факторного анализа и прогноза экономического роста. – М.: Наука, 2004. – 288 с.; Бор. М.З. Основы экономических исследований. – М.: ДИС, 1998. – 244 с.; Ведута Н.И. Социально эффективная экономика /Под общей ред. докт. экон. наук. Ведута Е. Н. – М.: РЭА, 1999. – 254 с.; Демченко С.К. Зарубежный опыт структурных преобразований в экономике: монография / С.К. Демченко. – М.: ИД «АТиСО», 2007. – 166 с.; Демченко С.К. Эволюция теорий экономического роста: монография /С.К. Демченко. – Красноярск: КГУ, 2006. – 149 с.

⁶ Бекмурадов А.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришлари / Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз таракқиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – Б.15-19.; Тўхлиев Н.Т. Таракқиётнинг ўзбек модели. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2012. – 180 б.

қилиш асосида уни такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга мувофиқ ишда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- турли иқтисодий қарашлар ва услубий ёндошувларни таҳлил қилиш асосида “иқтисодиёт таркиби”, “тармоқ таркибидаги ўзгаришлар” атамаларининг моҳиятини очиб бериш;

- Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари иқтисодиётининг тармоқ таркибида юз бераётган ўзгаришларни қиёсий таҳлил қилиш асосида ушбу жараёнларнинг хусусиятларини асослаш;

- тадқиқ этилаётган мамлакатлар ташқи савдосининг тармоқ таркибидаги ўзгаришларнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

- Ўзбекистон ва Қозоғистон иқтисодиётининг тармоқ таркибини такомиллаштиришда инвестицияларнинг ролига баҳо бериш;

- Ўзбекистон ва Қозоғистон иқтисодиётининг тармоқ таркибини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

Магистрлик ишининг объекти сифатида Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари иқтисодиётининг тармоқ таркибида юз бераётган ўзгаришлар танлаб олинди.

Магистрлик диссертациясининг предмети бўлиб иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш йўллари ва усуллари ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг асосий масалалари ва фаразлари (гипотезаси). Магистрлик диссертациясида миллий иқтисодиёт таркиби ва уни такомиллаштиришнинг объектив зарурлиги, иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштиришнинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ўрни ва роли, Ўзбекистон ва Қозоғистонда иқтисодиётнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар йўналишлари, тадқиқ этилаётган мамлакатларда ташқи савдонинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар ва унга таъсир этувчи омиллар, инвестицияларнинг таркибий ўзгаришларни амалга оширишдаги роли,

Ўзбекистон ва Қозоғистон иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни жадаллаштириш истиқболлари каби масалалар кўриб чиқилади.

Тадқиқотнинг гипотезаси шундан иборатки, миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Магистрлик диссертациясининг назарий-услубий асоси бўлиб ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш, таркибий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларида илгари сурилган ғоялар, йирик иқтисодчи-олимлар томонидан яратилган илмий концепциялар хизмат қилди. Шунингдек, тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан ҳам кенг фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида меъёрий, таққослаш, гуруҳлаш, ҳисоб-конструктив ва бошқа усуллар қўлланилди.

Магистрлик диссертациясининг ахборот базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қозоғистон Республикаси статистика агентлиги ҳамда МДХ Давлатлараро статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги. Магистрлик диссертациясининг илмий янгилик хусусиятларига эга жиҳатлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

- турли иқтисодий қарашлар ва услубий ёндашувларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида “иқтисодиёт таркиби”, “иқтисодиётнинг тармоқ

тарикбидаги ўзгаришлар” атамаларининг моҳияти ва аҳамияти ёритиб берилган;

- глобаллашув шароитида таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг объектив зарурлиги асослаб берилган;

- Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларида иқтисодиётнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар жараёнини қиёсий таҳлил қилиш асосида улардаги умумий ва ўзига хос хусусиятлар очиб берилган;

- тадқиқ этилаётган мамлакатларда ташқи савдонинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар йўналишлари асослаб берилган.

- Ўзбекистон ва Қозоғистонда иқтисодиётининг тармоқ таркибини такомиллаштиришда инвестицияларнинг ўрни ва ролига баҳо берилган;

- Ўзбекистон ва Қозоғистонда иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланган.

Ишнинг амалий аҳамияти. Диссертацияда илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасида таркибий ислохотлар самарадорлигини оширишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин. Шунингдек, магистрлик диссертацияси материалларидан “МДХ мамлакатлари иқтисодиёти”, “МДХ мамлакатларида таркибий-инвестиция хусусиятлари” каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган.

Биринчи бобда турли иқтисодий қарашлар ва услубий ёндашувларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида “иқтисодиёт таркиби”, “иқтисодиётнинг

тармоқ таркибидаги ўзгаришлар” атамаларининг моҳияти ва аҳамияти ёритиб берилган, глобаллашув шароитида таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг объектив зарурлиги асослаб берилган.

Иккинчи бобда Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларида иқтисодиётнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар жараёнини қиёсий таҳлил қилиш асосида улардаги умумий ва ўзига хос хусусиятлар очиб берилган, миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш омиллари ва шарт-шароитларига баҳо берилган, тадқиқ этилаётган мамлакатларда ташқи савдонинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар йўналишлари асослаб берилган.

Учинчи бобда Ўзбекистон ва Қозоғистонда иқтисодиётининг тармоқ таркибини такомиллаштиришда инвестицияларнинг ўрни ва ролига баҳо берилган, Ўзбекистон ва Қозоғистонда иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланган.

Ишнинг **хулоса** қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқувчи асосий таклиф ва тавсиялар умумлаштирилган.

1-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Миллий иқтисодиёт таркиби ва уни такомиллаштиришнинг объектив зарурлиги

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш вазифаси иқтисодий ислохотларни амалга оширишда доимо республикамиз ҳукуматининг диққат марказида бўлиб, иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларимизнинг муҳим омили ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш учун унинг таркибий тузилишини муттасил такомиллаштириб бориш заруратини янада кучайтирди.

Ўзбекистон ўзи танлаган мустақил тараққиёт йўлидан бориб, бозор муносабатлари тизимини шакллантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш, турли соҳа ва тармоқлар ўртасида мутаносибликни таъминлаш вазифаларини амалга ошириб келмоқда. Бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири иқтисодиёт тармоқлари таркибида ислохотларни амалга ошириш ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида таркибий ислохотлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, корхоналарни янги технология ва жиҳозлар билан жиҳозлаш, иқтисодиётда нодавлат сектор улушини ошириш ва бошқаларга йўналтирилади.

Иқтисодиётнинг таркиби – иқтисодиётнинг турли қисм ва бўлаклари ўртасидаги пропорциялар ва ўзаро нисбатлар. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимиз Президенти бошчилигида иқтисодиётимизда замонавий бозор талабларига мувофиқ чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни ўз олдида асосий мақсадлардан бири сифатида белгилаб олди.

Мамлакатнинг жаҳон хўжалиги тизимига фаол кириб бориши иқтисодиётнинг очиқлигини кенгайтириш ва эркинлаштиришнинг таркибий ислохотлар муаммосига алоҳида аҳамият берилишини тақозо этади. Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида иқтисодиётнинг таркибий жиҳатидан ўзгартириш дастурининг бажарилишини таъминлаш, корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, ишлаб чиқариш тизимларини бунёд этишга ўта муҳим масала сифатида қараш зарурлиги давр талабидир.

Миллий иқтисодиёт бир бири билан чамбарчас боғланган кўпгина макроиқтисодий элементлардан иборат мураккаб тизимдир. Бу элементлар орасидаги нисбатлар иқтисодий таркиб деб юритилади.

Иқтисодиётнинг таркиби халқ хўжалигининг мутаносиблигини, унинг самарадорлиги ва барқарор ўсишини таъминлаш учун улкан аҳамиятга эга. Ривожланган давлатларнинг иқтисодий муваффақиятлари кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришдаги умумий динамикани ва бошқа сифат ўзгаришларини таъминлаб берган чуқур таркибий ўзгаришлар билан изоҳланади. Жанубий-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатларида ишлаб чиқаришнинг жадал ўсиши аввалам бор бу мамлакатлар учун ноанъанавий бўлган тармоқларни ривожлантириш ҳисобига рўй беди.

Таркибий тузилиш назарияси иқтисодиётда муҳим ўрин тутди. Бу муаммога, шу жумладан Нобель мукофоти лауреатлари Л.Кантарович, С.Кузнец, В.Леонтьев, П.Самуэльсон ва бошқалар катта эътибор берганлар⁷.

Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таркибий ўзгаришлар тўғрисида замонавий иқтисодий адабиётларда кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Шунга қарамасдан унинг моҳиятини ёритиб берувчи ягона таъриф мавжуд эмас. “Таркибий ўзгаришлар” тушунчасига ягона таърифнинг

⁷ Кантарович Л.В. Избранные сочинения. Математико-экономические работы. – Новосибирск: Наука, 2011. – 756 с.; Кантарович Л.В. Оптимальные решения в экономике. – Новосибирск: Наука, 1972. – 128 с.; Леонтьев В. Экономические эссе. Теории, исследования, факты, политика. – М., 1990. – С. 11-15.; Кузнец С. Экономический рост наций: совокупный выпуск и производственная структур. – М., 1992. – 456 с.; Самуэльсон Пол, Вильям Нордхаус Экономикс. – М.: Вильямс, 2006. – 1360 с.

мавжуд эмаслиги уни ўрганишни қийинлаштирибгина қолмасдан, таркибий ўзгаришларни амалга оширувчи субъектларнинг амалий фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли таркибий ўзгаришлар тушнчасининг моҳиятини очиб беришга қаратилган назарий қарашлар ва услубий ёндашувларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш лозим. Зеро, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий воқеа ва ҳодисани тадқиқ этишда унга дастлаб назарий жиҳатдан ёнадашиш мақсадга мувофиқ.

Таркибий ўзгаришлар мураккаб, кўп қиррали ва зиддиятли жараёнлар. Бу эса унинг иқтисодий мазмунини тўлиқ очиб берадиган ягона таъриф беришни қийинлаштиради.

Хўш, иқтисодиёт таркиби нима? Унинг моҳиятини белгилаб берувчи услубий ёндашув қандай? Унга берилган иқтисодий таърифлардаги асосий фарқлар нималардан иборат?

"Таркиб" лотинча "struktura" сўзидан олинган бўлиб, "тузилиш", "жойлашиш", "тартиб" маъносини англатади. Фалсафага оид адабиётларда таркиб деганда турли ташқи ва ички ўзгаришларда ўзининг асосий хусусиятларини сақлаб қолувчи объектнинг барқарор алоқалари мажмуи тушунилади⁸.

Кенг маънода "таркиб" тушунчаси муайян иқтисодий бутунликни ташкил этувчи муносабатлар, қисмлар ва унсурлар мажмуидан иборат. Таркиб унсурларнинг жойлашиш шаклини ва уларнинг турли жиҳатлари ва хусусиятлари характерини ўзида акс эттиради, у тизим унсурлари ҳаракатининг натижаси ҳисобланади. Ўз навбатида тизим унсурлари қисмлардан иборат бўлиб, улар муайян босқичда барча тизим белгиларини ўзида ифода этади. Шу муносабат билан умуман иқтисодиёт таркиби ва унинг ташкил этувчи қисмлари таркиби тўғрисида фикр юритиш мумкин⁹.

⁸ Философский словарь. – М., 2011. – С.12

⁹ Демченко С.К. Зарубежный опыт структурных преобразований в экономике: монография / С.К. Демченко. – М.: ИД «АТиСО», 2007. – С.125.

Тор маънода иқтисодиёт таркиби такрор ишлаб чиқариш тизимининг хўжалик унсурларидан ташкил топади. Бунда у, энг аввало, ишлаб чиқариш, истеъмол, тақсимот ва айирбошлаш тизимида у ёки бу тармоқнинг улуши ва салмоғига мувофиқ миқдорий кўрсаткичларни тавсифлайди.

“Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар деганда унинг ички тузилишидаги ҳар қандай ўзгаришлар, иқтисодиётни ташкил этувчи унсурларнинг ўзаро алоқалари ва сифат ўзгаришларига сабаб бўлувчи алоқалар қонуниятлари тушунилади”¹⁰.

Иқтисодиёт таркиби – кўп қиррали тушунча бўлиб, уни хўжалик тизимининг турли элементларининг ўзаро нисбатини акс эттирувчи ҳар хил нуқтаи – назардан кўриб чиқиш мумкин. Одатда тармоқ, такрор-ишлаб чиқариш, ҳудудий ва ташқи савдо таркиблари ўзаро фарқланади.



1.1-расм Мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилиши

¹⁰ Бекмурадов А.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришлари / Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – Б.15.

Иқтисодиётнинг тармоқ таркиби миллий хўжалик тизимидаги турли тармоқлар ва бу тармоқлар ичига кирувчи кичик тармоқларнинг ўзаро нисбатларидан иборат. У ўта мураккаб бўлиб, фан-техника тараққиёти, иқтисодиётнинг даврий ривожланиши ҳамда бошқа омиллар таъсирида миқдорий ва сифат ўзгаришларига учраб туради. Миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркиби ижтимоий меҳнат тақсимооти асосида шаклланади.

Миллий хўжаликни иқтисодиётнинг асосий соҳаларига (қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт ва алоқа, ва ҳ.к.) бўлиниши умумий меҳнат тақсимоотини ифодалайди. Ўз навбатида хусусий меҳнат тақсимооти бу соҳаларнинг ҳар бирида бир қатор тармоқлар мавжудлигини кўзда тутди. Масалан саноатда қазиб ва қайта ишловчи тармоқлар, қайта ишловчи тармоқларда - енгил ва озиқ овқат саноати, машинасозлик каби тармоқлар мавжуд. Машинасозлик тармоғининг ўзи бир неча кичик тармоқларга бўлиниб кетади.

Постиндустриал жамиятга ўтиш жараёнлари бу ривожланган давлатлар иқтисодиётининг тармоқ таркибида туб ўзгаришлар рўй бериши билан бирга борди:

- ЯИМни яратишда қишлоқ ва ўрмон хўжаликларининг, қазиб ва оғир саноатнинг ҳиссаси муттасил камайиб борди;
- бир вақтнинг ўзида моддий ишлаб чиқаришнинг электрон машинасозлик, ракета-космик техника, назорат-ўлчов асбобларини ишлаб чиқарувчи илм талаб тармоқларинг устувор ривожланиши кузатилди;
- хизматлар соҳасининг, аввало соғлиқни сақлаш, фан, таълим, ижтимоий таъминот каби тармоқларнинг улуши ўсиб бормоқда. Иқтисодиётнинг тармоқ таркибидаги таркибий ўзгаришлар иш билан бандлилик таркибида ҳам худди шундай ўзгаришларни келтириб чиқарди.

Фан-техника кўз ўнгимизда кундан кунга ривожланиб тараққий этиб бораётган, иқтисодий ва барча ижтимоий муносабатлар тизимида чуқур сифат ўзгаришлари кечаётган ҳозирги мураккаб ўтиш даврида иқтисодиётда

салмоқли таркибий ўзгаришлар юз бермоқда. Шу нуқтаи назардан таркибий ўзгаришларни ўрганиш, тадқиқотларни олиб бориш назария ва услубларини яратиш, уларни амалга оширишнинг йўллари ва усулларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Мазкур масаланинг ижобий ҳал қилиниши эса иқтисодий мустақилликка эришиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятини яратади.

Таркибий ўзгаришлар сиёсати — давлат томонидан амалга ошириладиган, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Таркибий ислохотлар мақсади иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини, фан ва техниканинг охириги ютуқларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини ва фаровонлигини оширишни таъминлашдан иборат бўлади. Мазкур сиёсат асосини мамлакатнинг йирик табиий ресурслари, ички салоҳиятларидан самарали фойдаланиш, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини тараққий эттириш ва уларнинг мамлакат ички иқтисодий муаммоларини ҳал этишга йўналтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва бошқалар ташкил этади.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг иқтисодиётда ўз моҳияти ва аҳамиятига кўра мутлақо янги мазмунга эга бўлган жараёнлар юзага кела бошлади. Бу, энг аввало, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида таркибий ўзгаришларнинг изчил амалга оширилиши билан бевосита боғлиқ эди. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз ҳукумати томонидан таркибий ўзгаришларни амалга оширишда қуйидаги вазифаларнинг устуворлиги белгилаб олинди:

- хом ашё етиштиришга ихтисослашган иқтисодиётимизнинг бир томонламалигини бартараф этиш;
- тармоқ тузулишини тубдан ўзгартириш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатдошлигини жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган даражага етказиш;

- мамлакатимиз энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи тармоқларни, ўзак тармоқлар ҳисобланувчи нефть ва газ саноатини ривожлантириш;

- ички бозорда талаб билан таклиф ўртасидаги муносибликка эришиш;

- қишлоқ хўжалигида пахта билан бир қаторда ғаллачилик, картошкачилик, ем-хашак етиштиришни ривожлантириш ва бошқалар.

Миллий тараққиётимизнинг дастлабки босқичидаёқ оқилона ва самарали иқтисодий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга изчил равишда тадбиқ этилиши, барқарор ривожланишнинг асосий манба, омилларининг тўғри танланиши ва уларга устувор аҳамият қаратилиши кейинги йилларда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланишига имконият яратмоқда. Жумладан, бундай энг муҳим омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

- макроиқтисодий барқарорликнинг таъминланиши ва қулай макроиқтисодий шароитни яратилиши;

- иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида таркибий ислохотларнинг янада чуқурлашуви;

- иқтисодиётни янада эркинлаштирилиши ва модернизациялаштирилиши;

- иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятининг оширилиши;

- тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий мустақиллиги ва ҳуқуқларини кенгайтириш орқали хусусий секторнинг ривожланишининг рағбатлантирилиши;

- моддий-техника ресурслари ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш ва сотиб олиш тизимини эркинлаштирилиши;

- корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятига давлат назорати органлари аралашувини кескин қисқартирилиши ва ҳ.к.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш вазифаси иқтисодий ислохотларни амалга оширишда доимо диққатимиз марказида бўлиб, иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларимизнинг муҳим омили ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш учун унинг таркибий тузилишини муттасил такомиллаштириб бориш заруратини янада кучайтирди.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар сиёсати:

- мамлакат иқтисодиётининг диверсификациялашув даражасини кўтариш, яъни ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, ЯИМ, экспорт каби кўрсаткичларида алоҳида тармоқ маҳсулоти ёки маҳсулот гуруҳининг устунлик қилишига барҳам бериш;

- ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликдаги улушининг юқори бўлишини таъминлаш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек, экспорт қилувчи корхона ва тармоқларнинг хом ашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушининг устунлигига эришиш;

- юқори технологиялар ва замонавий техника билан қуролланган, арзон ва сифатли, ташқи бозорда бемалол рақобатга кириша оладиган саноат тармоқларининг саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларидаги улушини ошириш;

- конъюнктура ўзгаришларига тез мослашувчан, капитал сиғими паст бўлган соҳа ва тармоқларнинг ялпи иқтисодий кўрсаткичлардаги салмоғини оширишга эришиш йўналишларида олиб борилмоқда.

1.2. Иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш иқтисодий ўсишнинг, иқтисодий инқирозни бартараф этишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Одатда макроиқтисодий барқарорлик деганда иқтисодий инқирозга барҳам бериш, иқтисодий тараққиётни ифодаловчи кўрсаткичларни муайян даражада сақлаб туриш ва иқтисодиётни соғломлаштириш тушунилади.

Макроиқтисодий барқарорликка қандай қилиб эришилади? Иқтисодий адабиётларда макроиқтисодий барқарорликка эришиш бўйича икки хил назарий ёндашув шаклланган: янги классик ва кейнсча.

Янги классиклар бозор иқтисодиётининг ўзи макроиқтисодий барқарорликни таъминлайди ва унга давлатнинг аралашуви шарт эмас, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, меҳнат бозори, нарх ва жами харажатларнинг давлат томонидан тартибга солиниши макроиқтисодий барқарорликка зарар етказди.

Кейнсчилар эса макроиқтисодий барқарорликка фақат бозор механизми орқали эришиш мумкинлигини рад этадилар. Кейнсчилар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун ички нархларни муайян чегарада ушлаб туриш, миллий валюта қадрини мустаҳкамлашга қаратилган пул-кредит ва молия сиёсати тадбирларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни ўстириш ва бандликни таъминлаш учун қулай макроиқтисодий муҳитни барпо этиш лозим деб ҳисоблайдилар.

Қандай бўлганда ҳам ҳар бир мамлакат учун макроиқтисодий барқарорлик зарур. Макроиқтисодий барқарорлик инқироздан ривожланиш орқали чиқишни билдирган, келгусида иқтисодий ўсиш ва юксалиш учун муҳим босқич ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш учун аввало, ЯИМ ишлаб чиқаришнинг пасайиши тўхтатилади. Кейинчалик ЯИМ ва ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми бўйича барқарор ўсиш таъминланади. Агар

ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш сурътлари аҳоли сони ўсиш суръатларидан устун бўлишига эришилса, янада яхши бўлади. Ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг ошиши, инфляциянинг паст даражаси, ЯИМ ҳажмида жамғариш ва инвестиция улушининг ўсиши ва бошқа сифат кўрсаткичлар билан бирга кечиши лозим.

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш, айниқса, мустақил миллий иқтисодиёт қуриш ва бозор муносабатларига ўтиш ҳамда улар билан боғлиқ равишда юзага келадиган тангликдан чиқиб кетиш жараёнида осон эмас. Давлатнинг макроиқтисодий барқарорлаштириш тадбирлари айрим ҳолларда бозор муносабатлари доирасини торайтириб қўйиши мумкин. Пул массасининг қатъий чекланиши кичик бизнес ривожига салбий таъсир кўрсатади, корхоналар тўлов қобилиятининг пасайиб кетишига олиб келади. Аммо бундай ҳолатлар одатда узоқ давом этмайди.

Миллий иқтисодий тизим компонентларининг тузилиши соҳалар, тармоқлар, ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этса, улар ўртасидаги муносабат, уларнинг ўзаро таъсири миллий иқтисодиёт таркибини ифодалайди. Таркибий нисбатлар пропорцияларни ташкил этади. Тараққиёт давомида мазкур пропорцияларни оқилона даражада сақлаб туриш миллий иқтисодиётнинг муҳим таркиб ҳосил қилувчи омили ҳисобланади. Иқтисодий тизим компонентлари ривожланишида мутаносибликка амал қилиш ушбу тизимнинг бир бутунлигини, яхлитлигини таъминлайди. Мутаносиблик – ҳар қандай тизим (техник, иқтисодий, ижтимоий) ривожланишининг қонуни ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётнинг макротаркиби ўз ичига қуйи тизимлар, компонентлар мажмуасини олади. Бу қуйи тизимлар кўп йиллик ҳўжалик амалиёти давомида турли таснифий белгилар асосида таркибий тузилмаларга интеграциялашадилар. Бундай таснифий белгилар жумласига: секторли,

такрор ишлаб чиқариш, турмоқ, институционал, ижтимоий ва бошқалар киради.

Миллий ҳисоблар тизими амалиётига кўра, иқтисодиёт тармоқларини учта сектор бўйича таҳлил қилиш лозим¹¹:

- бирламчи (бу секторда табиий ресурсларни ишлаб чиқариш, казиб олиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ тармоқлар киради);
- иккиламчи (саноатнинг қайта ишловчи тармоқлари киради);
- учламчи (транспорт хизматлари, коммунал хўжалик, қурилиш, савдо, мадофаа, давлат бошқаруви ва бошқалар).

Илмий адабиётларда ва хорижий амалиётда иқтисодиётнинг реал сектори ва пул (молия) сектори тушунчаларидан фойдаланилади. Иқтисодиётнинг реал сектори ялпи ички маҳсулот ҳажми билан аниқланса, пул сектори ички товар алмашинуви учун зарур бўлган пул миқдори билан аниқланади. Бу секторлар субъектлар ва пул оқимлари ўртасидаги барқарор боғлиқликни ифодалаб, биргаликда даромадлар ва харажатларнинг доиравий айланишини ўзида акс эттиради.

Миллий иқтисодиёт таркибини ўрганишда унинг такрор ишлаб чиқариш, тармоқ, технологик, минтақавий, институционал, ижтимоий таркибини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби макродаражада ялпи ички маҳсулот такрор ишлаб чиқариш босқичлари ўртасидаги ўзаро нисбатларни таҳлил қилиш учун илмий муомалага киритилган бўлиб, унинг таркибий қисмлари ўзгаришларининг йўналишларини ўзида акс эттиради. Бу ўзгаришлар жамиятнинг ижтимоий йўналганлик даражаси тўғрисида, ишлаб чиқаришнинг ортиқча ресурс сиғимлигига барҳам бериш, истеъмол ва жамғариш динамикаси ва шунга мувофиқ равишда миллий иқтисодиётни янгилашнинг инвестиция имкониятлари ва экспортга йўналганлик даражаси ҳақида тасаввур беради.

¹¹ Демченко С.К. Зарубежный опыт структурных преобразований в экономике: монография / С.К. Демченко. – М.: ИД «АТиСО», 2007. – С.12.

Иқтисодиётнинг тармоқ таркиби тармоқлараро нисбатлар динамикаси, устувор тармоқларнинг самарадорлик нуқтаи назаридан ўсиши, ижтимоий йўналганлиги, илмталаблиги, ресурсларни тежаш, аҳолининг экологик ҳимояланганлигини кузатиш имконини беради¹².

Иқтисодиётнинг технологик таркиби ушбу устувор йўналишларни анъанавий ва энг янги технологиялар ўртасидаги ўзаро нисбат динамикаси тўғрисидаги, илмталаб юқори технологияларнинг иқтисодиётга жорий этилиш ҳажми тўғрисидаги маълумотлар билан аниқлаштиради, тўлдиради.

Миллий иқтисодиётнинг минтақавий (худудий) таркиби ишлаб чиқаришни, айниқса, ижтимоий инфратузилмани жойлаштириш ва комплекс ривожлантиришда муҳим пропорцияларни ўзида акс эттиради.

Иституционал таркиб ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шакллари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ҳатти-ҳаракатининг маданий-қадриятлар меъёрлари ва стереотипларини тавсифлайди.

Иқтисодиётнинг ижтимоий таркиби муҳим иқтисодий белгилар (мулк, даромадлар, малака ва бошқалар) бўйича гуруҳлаштирилган ижтимоий гуруҳлар тўпламини, шунингдек, уларнинг нисбий динамикасини ўзида акс эттиради.

Юқорида келтирилган барча иқтисодий таркиб турлари иқтисодиётнинг бир бутунлигини шакллантиради, унинг унсурларининг ўзаро таъсирини ифодалайди. Бу унсурлар ўз характерига кўра табиий, технологик, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, психологик, соcio-маданий, тарихий, конфессионал бўлади.

Иқтисодий тизимнинг таркибий элементлари унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши жараёнида зарурий пропорцияларни сақлаб туради. Оқилоналик (оптималлик) мезонлари бўйича макроиқтисодий пропорцияларга баҳо бериш мамлакат иқтисодий фаолиятининг

¹² Тўхлиев Н.Т., Ҳақбердиев Қ.Қ., Эрмаматов Ш.Ж., Холматов Н.Б. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.25.

самарадорлиги ва иқтисодиёт таркибида юз бераётган ўзгаришлар йўналишлари тўғрисида мулоҳаза юритиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, асосий макроиқтисодий пропорциялар миллий даражада шаклланади. Улар ялпи ички маҳсулот ва унинг унсурлари: пировард истеъмолга сарфланган харажатлар, ялпи жамғариш ва ташқи савдо сальдоси ҳаракатини тавсифлайди. Агар такрор ишлаб чиқариш нисбатлари пировард истеъмол фойдасига ўзгарса, у ҳолда асосий капиталга, уни янгилашга киритиладиган инвестициялар ҳажми камаяди. Бу ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг технологик базаси ривожланишининг пасайишига, истиқболда эса ишлаб чиқариш салоҳиятининг пасайишига олиб келади. Бунинг оқибатида пировард истеъмол ҳажми қисқаради.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг мўътадил ҳаракати, экспорт ва импортга мўлжалланган тармоқлар ривожланиши динамикаси экспорт ва импорт ўртасидаги нисбатга, уларнинг ҳажми ва таркибига боғлиқ. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларидан бири экспортга йўналганлик бўлиши лозим.

Миллий иқтисодиёт, иқтисодий сиёсат учун ишлаб чиқариш таркиби ва истеъмол таркиби ўртасидаги, шунингдек, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги пропорциялар муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш ҳажмида ишлаб чиқариш воситаларининг устун ўринга эга бўлиши натижасида вужудга келадиган номутаносиблик, собиқ Иттифоқ тажрибаси кўрсатганидек, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. Юқори технологияли тармоқларга нисбатан прогрессив пропорцияларга амал қилиш лозим, чунки иқтисодиёт таркиби материал ва энергия сиғими юқори ишлаб чиқариш турлари эвазига “оғирлашмоқда”. Истеъмол таркиби товарлар, хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотларининг оқилона истеъмол меъёрлари йўналишида ўзгариб бориши лозим.

Макроиктисодий даражада реал ва пул сектори ўртасидаги нисбатларни тартибга солиш алоҳида аҳамият касб этиб, улар бир-бирига нисбатан қарама-қарши бирликда жойлашган бўладилар. Ушбу секторларнинг бирига етарли даражада баҳо бермаслик ёки аҳамиятининг пасайтирилиши таркибий номутаносибликларга ва аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. Жами талаб ва жами таклиф ўртасида мувозанатли нисбатга эришиш зарурияти айнан шу ҳолат билан тушунтирилади.

Бирламчи, иккиламчи ва учламчи секторлар ўртасидаги, шунингдек, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ўртасидаги номутаносибликлар миллий иқтисодиёт учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Иқтисодиёт таркибида хизматлар улушининг ўсиб бориши бугунги кунда ижобий ҳолат бўлиб ҳисобланади¹³.

Бозор ислохотлари жараёнида илғор бозор ва анаъанвий институтлар ўртасидаги нисбатларни, иқтисодиётнинг институционал таркибида меъёрларга амал қилишни, шунингдек, кучли ижтимоий табақаланишга йўл қўймаслик мақсадида иқтисодиётнинг ижтимоий таркибида турли ижтимоий қатламлар турмуш фаровонлигини оқилона даражада сақлаб туриш ҳаётий муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида кўрсатилган макроиктисодий пропорциялар давлат иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Ушбу пропорцияларни оқилона нисбатда сақлаб туриш миллий иқтисодиёт, бошқарув тизими ҳамда мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тартибга солиш самарадорлигига баҳо бериш мезони ҳисобланади.

¹³ Тўхлиев Н.Т. Тараққиётнинг ўзбек модели. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2012. – Б.24.

2-БОБ. МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРМОҚ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистон ва Қозоғистонда иқтисодиётнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар йўналишлари

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириб бориш, чуқур қайта ишланган, тайёр, қўшилган қиймат ҳиссаси юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш ва уларнинг ЯИМ ҳамда мамлакат экспортидаги улушини кўпайтириш МДҲ мамлакатлари учун муҳим аҳамиятга эга. МДҲ мамлакатларида таркибий ислохотларни амалга ошириш натижасида қатор ўзгаришлар юз берди. Хусусан, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш борасида олиб борилган чора-тадбирлар натижасида ижобий сифат ўзгаришларига эришилди. Бу аввалам бор ЯИМнинг тармоқ таркибида рўй берган ўзгаришларда ўз аксини топади.

Саноатни устувор тарзда ривожлантириш, тармоққа инвестициялар жалб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида тармоқнинг ЯИМдаги улуши сезиларли даражада ортди.

2.1-жадвал


Ўзбекистонда ЯИМ ишлаб чиқариш таркиби (умумий ҳажмга нисбатан %да)

	Йиллар					
	2000	2005	2008	2009	2010	2011
Саноат	14,2	21,1	22,3	23,6	24	24,1
Қишлоқ хўжалиги	30,1	26,3	19,4	18,2	17,5	17,1
Қурилиш	6,0	4,8	5,6	7,4	7,7	7,7
Транспорт ва алоқа	7,7	10,6	12,7	11,9	12,4	12,5
Савдо ва умумий овқатланиш	10,8	8,8	9,1	9,1	9,2	9,2
Бошқа тармоқлар	18,7	17,8	21,5	23,1	22,2	22,1
Соф солиқлар	12,5	10,6	9,3	6,7	7,0	7,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, агар 2010 йилда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 14,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етди, айти вақтда қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бу даврда 30,1 фоиздан 17,1 фоизгача, яъни 13 фоиз нуқтасига пасайди.

Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатларининг юқорилиги тармоқнинг ЯИМдаги улуши ортиб боришига олиб келди. Саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмларининг юқори суръатда ўсиши, аввалам бор, янги қувватларни ишга тушириш, корхоналарни техник ва технологик модернизация қилиш мақсадларига жалб қилинган инвестициялар ҳажмининг ортиши ва уларни самарали ўзлаштирилиши натижасида таъминланди.



2.1-расм. Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан % да)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари

Мамлакатимизда қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб қувватлаш бўйича белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга оширилиши, жумладан, маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарнинг бюджет олдидаги ва банк кредитлари бўйича қарзларини тўлаш муддатларини узайтирилиши,

саноат корхоналарида маҳсулот таннархини камайтириш бўйича чоралар, ички талабни кўпайтириш орқали саноат корхоналари маҳсулоти бозорини кенгайтириш, зарар кўриб ишлаётган саноат корхоналарини банклар балансига ўтказиш орқали уларни молиявий соғломлаштириш ишлари йирик инвестиция дастурларини муваффақият билан амалга ошириш саноат ишлаб чиқаришининг 2010 йилда ҳам ижобий динамикаси таъминланишига олиб келди. 2011-2012 йилларда ҳам бу тенденция давом этди ва мазкур йилларда саноат ишлаб чиқариши мувофиқ равишда 6,3 ва 7,7 фоизга ўсди.

Республикамиз бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 2009 йилда 28,4 фоизи, 2010 йилда 32,6 фоизи, 2011 йилда 34,5 фоизи, 2012 йилда 28,4 фоизи саноат тармоқларига йўналтирилган. Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг катта қисми (2009 йилда 62,4 фоизи, 2010 йилда 46,4 фоизи, 2011 йилда 47,2 фоизи, 2012 йилда 21,5 фоизи) саноат тармоқларига йўналтирилганлиги ҳам юқоридаги фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

2.2-жадвал

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришининг тармоқ таркиби (жамига нисбатан %да)

	Йиллар					
	2000	2005	2008	2009	2010	2011
Саноат	100	100	100	100	100	100
Электроэнергетика	8,5	11,3	8,6	8,9	8,4	8,0
Ёқилғи	15,3	16,2	20,1	21,5	19,7	17,5
Металлургия	11,4	19,4	15,5	14,1	14,7	12,6
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	9,9	13,0	16,2	16,2	16,2	16,1
Қурилиш материаллари	5,4	3,6	4,9	4,7	5,0	5,3
Ёнгил саноат	19,1	16,6	12,9	12,2	12,2	13,5
Озиқ-овқат саноати	13,3	8,2	10,6	11,2	12,6	14,0
Бошқалар	17,1	11,7	11,2	11,2	11,2	13,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари

Янги қувватларни ишга туширилиши, маҳсулот турларини диверсификация қилиш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш нафақат тармоқнинг ЯИМдаги улуши ўзгаришига, балки ички

тармоқ таркибининг ўзгаришига ҳам олиб келди.

2000-2011 йиллар давомида саноат ишлаб чиқариш таркибида ёқилғи саноати, металлургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати тармоқларининг улуши ортди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғининг улуши 2000 йилда 9,9 фоиздан иборат бўлган бўлса 2011 йилда 16,1 фоизни ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг жадал ривожланиб бориши соҳанинг ЯИМдаги улушининг ортиб боришига ва 2012 йил якунларига кўра 52 фоиз даражасига етишига олиб келди. Анъанавий хизмат турларидан ташқари янги хизмат турларининг кўлами кенгайиб борди.

“Сўнгги ўн йилда эса аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми, киши бошига ҳисоблаганда, қарийиб 20 баравар ошди. Бу борада мобиль алоқа, интернет, видеотелефон тизими, рақамли телевидение, замонавий банк хизматлари, литзинг, суғурта, аудит, инжинирнинг ва бошқа замонавий хизмат турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда”¹⁴

Бугунги кунда уяли алоқа соҳасида Ўзбекистонда 4 та йирик компания фаолият юритяпти. Уларнинг энг йириги, UCell (7 млн.дан кўпроқ абонент) ва Билайн (қарийиб 4,4 млн. фойдаланувчилар Кейиги беш йил ичида алоқа ва ахборот технологиялари соҳасига киритилган хорижий инвестициялар ҳажми 1,2 млрд.доллардан ошиб кетди.

2000-2012 йиллар давомида мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 200 баравардан ошиб, абонентлар сони 19 млн. дан ортганлигини таъкидлаш зарур.

Алоқа тармоғининг модернизация қилиниши ва интернет хизматлари кўламини кенгайтиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. 2012 йилда

¹⁴ Ислоҳ Каримов. “2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси”. – Т.: Ҳалқ сўзи, 2011 йил, 22 январь

интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 1,4 баробар кўпайди ва 6,6 миллион кишидан ошди.

Транспорт, банк, маиший хизматлар, сервис хизматлари кўрсатиш ҳажмлари барқарор ўсиш динамикасига эга эканлигини қайд этиш зарур.

Ўзбекистон автотранспорт компанияларининг халқаро юк ташиш бозорида операцион қувватларининг оширилши қўшимча 50-55 млн. АҚШ доллари миқдорида даромад келтириши мумкин экан.

Аҳоли реал даромадларининг ўсиши ва товарлар таклифининг миқдор ва сифат жиҳатдан яхшиланиши оқибатида шахсий автомобиллар ва маиший сонини муттасил кўпайиб бормоқда.

Магистрал йўллар қуриш бўйича амалга оширилаётган дастурлар хизматлар соҳасининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир. Мутахассислар баҳоларига кўра Ўзбекистон ҳудудидан транзит сифатида ўтаётган хорижий автомобил бюджетга 1000 АҚШ доллари миқдорида даромод келтириши мумкин экан. Бунда хизмат кўрсатиш ва сервис ҳал қилувчи рол ўйнайди. Йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш дастурига кўра миллий магистрал атрофида: 28 та мотелл; 23 та кемпинг; 75 та АГЗС ва АЗС; 59 та АГНКС; 73 та техник хизмат станцияси; 45 та санитария-гигиеник узеллар; 47 та ТИР майдонларини қуриш кўзда тутилган. Ўзбек миллий автомагистрали бўйида йўл бўйи сервис объектларини қуришнинг жозибадорлиги бу магистрал бўйлаб халқаро автоташувларнинг кўпайиб бораётганлиги билан ҳам белгиланади.

2012 йил мобайнида амалга оширилган изчил чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2009 йилда 50 фоиздан 2012 йилда 54 фоизгача ошди.

Бу кўрсаткич йилдан йилга ошиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда. 2000 йилда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир.

Амалга оширилган инвестицион-таркибий ўзгаришлар иқтисодиётимизнинг жаҳон бозоридаги конъюктура ўзгаришлари таъсирига чидамли, иқтисодий ривожланишнинг ички потенциалини тўлиқ ишга туширишга қаратилган таркибини шакллантириш борасдаги муваффақиятни таъминлади;

Таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга оширишда эришилган ютуқлар қаторига маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ва уларнинг ЯИМдаги улушининг ортиб бораётанлигини, кичик бизнес соҳасининг ЯИМ, иш билан банд аҳолининг умумий сони ва аҳоли даромадларидаги ҳиссаси янада кўтарилганлигини, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар улушининг ортиб бораётганлигини ҳам киритиш мумкин.

Сўнгги йилларда Қозоғистон Республикаси иқтисодиётининг тармоқ таркибида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Қозоғистон рақобатбардош 50 та давлат сафига киришга қаратилган иқтисодий стратегияни амалга ошириш йўлида қатор чора-тадбирларни амалга оширди. Бунинг натижаси ўлароқ мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари йил сайин ўсиб бормоқда, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида қатор муваффақиятлар қўлга киритилди. Қозоғистон Республикасида иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида Қозоғистон ялпи ички маҳсулоти таркибида қатор ўзгаришлар юз берди (2.3-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Қозоғистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг таркибида бир қатор ижобий силжишлар юз берган. Хусусан, 200-2011 йилларда қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 8,2 фоиздан 4,5 фоизга пасайган бўлса,

қурилишнинг салмоғи 5,2 фоиздан 7,7 фоизга, хизматлар соҳасининг улуши 47,4 фоиздан 50,4 фоизгача ўсган. Бундай ўзгаришлар, энг аввало, Қозоғистон ҳукумати томонидан олиб борилаётган таркибий ислохотлар натижасида юз берган.

2.3-жадвал

Қозоғистонда ЯИМ ишлаб чиқариш таркиби (умумий ҳажмга нисбатан %да)

	2000	2005	2011
Саноат	32,6	30,6	32,9
Шундан:			
Қазиб олиш саноати	13	15,8	19,5
Қайта ишлаш саноати	16,5	12,0	11,3
Қишлоқ хўжалиги	8,2	6,2	4,5
Қурилиш	5,2	7,9	7,7
Хизмат кўрсатиш	47,4	50,7	50,4
Соф солиқлар	6,6	4,6	5,3

Манба: «Қазақстан сегодня» / Агентство Республики Казахстан по статистике.
– Астана, 2012 – С.23-24.

Шу билан бирга Қозоғистон иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар ҳақида сўз юритганда шуни таъкидлаш лозимки, гарчи саноат ишлаб чиқаришининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000-2011 йилларда деярли ўзгаришсиз қолган бўлса-да, қазиб олиш саноатининг тобора каттароқ улушга эга бўлиб бораётгани салбий ҳодиса ҳисобланади. Кўриниб турибдики, 2000 йилда қазиб олиш саноатининг улуши 13 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 19,5 фоизга етган. Айни вақтда қайта ишлаш саноатининг салмоғи 16,5 фоиздан 11,3 фоизгача пасайган. Бундай ўзгаришлар шундан далолат берадики, Қозоғистон саноатида хом ашёга йўналганлик даражаси ортиб бормоқда.

Юқоридаги таҳлил натижаларини умумлаштириш натижалари шундан далолат берадики, Ўзбекистон ва Қозоғистонда саноат ишлаб чиқаришининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қишлоқ хўжалиги улушидан юқори эканлиги кузатилди. Бошқача қилиб айтганда, Қозоғистон ва Ўзбекистонда индустриал-аграр хусусиятга эга иқтисодиёт шаклланган.

Бу икки мамлакат иқтисодиётининг тармоқ тарбида юз бераётган таркибий ўзгаришлар натижаларини умумлаштириш натижалари шундан далолат берадики, ҳар иккала мамлакат иқтисодиётининг тармоқ тарбида ижобий ўзгаришлар юз бераётган бўлса-да, унда хом ашё маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари улуши юқори даражада сақланиб қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётининг раоқбатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистонда иқтисодиёт тармоқ таркибининг ривожланмаганлиги ва уни такомиллаштириш зарурияти ташқи савдонинг тармоқ таркибини таҳлил қилганда яққолроқ намоён бўлади.

2.2. Тадқиқ этилаётган мамлакатларда ташқи савдонинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар ва унга таъсир этувчи омиллар

Фан-техника тараққиётининг ривожланиши натижасида халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувининг чуқурлашиши глобаллашув ва халқаро иқтисодий интеграция жараёнларининг жадаллашувига олиб келди. Бу эса ўз навбатида миллий хўжаликларнинг жаҳон хўжалик тизимида боғлиқлигини кучайтириб, ташқи иқтисодий алоқаларни иқтисодий ўсишнинг асосий шартларидан бирига айлантирди. Айни вақтда ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши жаҳон хўжалик тизимида интеграциялашувнинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолди. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида ҳеч бир мамлакат жаҳон хўжалигидан алоҳида тараққий топиши мумкин эмас. Россиялик халқаро иқтисодий интеграция соҳасида етакчи олим Ю.Шишков таъкидлаганидек, бугунги кунда “Янги тарихий феномен шаклланмоқда: моно давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий организмлари (миллий хўжаликлар) полидават мажмуаларига бирлашмоқда. Улар шаклан давлатлараро бўлиб қолаётган

бўлса-да, мазмунан тобора ягона хўжалик ва ижтимоий-маданий организмга айланмоқда”¹⁵.

Мана шундай шароитда ҳар бир мамлакат ўзининг табиий-иқтисодий ресурслари ва рақобат афзалликларига асосланиб самарали тарзда жаҳон иқтисодиётига интеграциялашишга ҳаракат қилади. Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ҳам бундан мустасно эмас. Республикаларнинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашувида ташқи савдони ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашуви имкониятларидан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабли иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, унинг тармоқ таркибини такомиллаштириш ушбу мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу муносабат билан мазкур мамлакатлар давлат мустақиллигини қўлга киритгач, жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қарата бошлади. Бунинг ёрқин мисоли уларининг халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятида кенг иштирок этаётганлигидир.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ва Қозоғистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро Молия Корпорацияси каби халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирдилар.

Шу билан бирга, илгари ташқи иқтисодий фаолият “марказ” томонидан амалга оширилганлиги ва уни тартибга солувчи институционал ҳамда ҳуқуқий асоснинг мавжуд эмаслиги туфайли ушбу мамлакатларда ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча унсурлари янгидан ташкил этилди, унинг

¹⁵Шишков Ю.В. Теоретические проблемы мировой системы хозяйствования. //Экономическая теория национальной экономики и мирового хозяйства. М., 2007. – с.257.

ҳуқуқий асослари барпо этилди. Қонуний ҳужжатларда ташқи иқтисодий фаолият юритишнинг асосий қоидалари ва тамойиллари, унинг субъектлари ва объектлари, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг қонуний асослари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон мамлакатлари ташқи савдо сиёсатининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, унда аввало анъанавий маҳсулотлар экспортини оширишга ва ундан тушган валюта тушумларини ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига сарфлашга ва шу орқали иқтисодиётнинг бир томонлама, хом ашёга асосланганлигига барҳам беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш ва инвестициялар ҳажмининг пасайиши, инфляция суръатларининг юқорилиги, ички ва ташқи қарзларнинг ўсиши ҳукмрон бўлган мустақилликнинг дастлабки йилларида ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш Ўзбекистон ва Қозоғистон иқтисодиётини қўллаб-қувватловчи асосий омиллардан бири бўлди.

Бундан ташқари иқтисодий ислохотларнинг бошланғич босқичидаги ҳаётий муҳим муаммо - мамлакат истеъмол бозорини тўлдириш асосан импорт ҳисобидан ҳал қилинди. Очiq иқтисодиёт асослари ва хўжалик юритишнинг бозор тамойилларини барпо этиш ҳамда халқаро меҳнат тақсимои имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида жаҳон хўжалигига интеграциялашишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бу икки мамлакатнинг халқаро савдода фаол иштирок этиши учун кенг имкониятлар тақдим этди. Бунинг натижасида ташқи савдо ҳажмининг юқори суръатларда ўсиши кузатилди (2.4-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000 йилга нисбатан 2011 йилда тадқиқ этилаётган икки мамлакат бўйича ташқи савдо айланмаси ўсиш тенденциясига эга бўлган. Айни вақтда бу икки мамлакат бўйича

экспорт ҳажмининг импорт ҳажмига нисбатан юқорироқ суръатларда ривожланганлигини таъкидлаш лозим.

2.4-жадвал

Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи савдо динамикаси (млрд.АҚШ долл.)

Йиллар	Қозоғистон			Ўзбекистон		
	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт
2000	13,8	8,8	5,0	6,2	3,26	2,95
2005	45,2	27,8	17,4	9,5	5,41	4,09
2006	61,9	38,2	23,7	11,17	6,39	4,78
2007	80,5	47,7	32,8	14,23	8,99	5,24
2008	109,0	71,1	37,9	21,2	11,5	9,7
2009	71,6	43,2	28,4	21,2	11,7	9,4
2010	90,7	59,8	30,9	21,8	13,0	8,8
2011	126,1	88, 1	38,0	25,5	15,0	10,5
2011 йилда 1995 йилга нисбатан, марта	9,1	10	7,6	4,1	4,6	3,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, «Казахстан сегодня» / Агентство Республики Казахстан по статистике. – Астана, 2011. – С.23-24.

Бунинг натижасида ҳар иккала мамлакат бўйича ташқи савдо айланмасида ижобий сальдо кузатилади.

Таҳлил қилинаётган давр мобайнида барча Марказий Осиё мамлакатларида ташқи савдо айланмаси, хусусан, экспорт ҳажмининг юқори суръатларда ривожланганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, Қозоғистон Республикаси ташқи савдоси муттасил ўсиб борди. Ушбу даврда мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси 13,8 млрд. АҚШ долларидан 126,1 млрд АҚШ долларигача, яъни 9 мартага, шу жумладан, экспорт ҳажми 8,8 млрд АҚШ долларидан 88,1 млрд. АҚШ долларигача, яъни 10 мартага, импорт ҳажми 5 млрд АҚШ долларидан 38 млрд АҚШ долларигача, яъни 7,6 мартага ошган. Экспортнинг импортга нисбатан юқори суръатларда ўсиши натижасида ташқи савдо сальдосининг ижобий қиймати 2000 йилда 3,6 млрд. АҚШ доллардан 2011 йилда 50,1 млрд. АҚШ долларигача, яъни 13,9 мартага кўпайган.

Худди шундай тенденцияни Ўзбекистон Республикасида ҳам кузатиш мумкин. Мамлакатимизда ташқи савдо айланмаси ҳажми 2000-2010 йиллар

давомида 6,2 млрд доллардан 25,5 млрд долларгача, яъни 4,1 мартага ўсган бўлса, экспорт ҳажми 3,26 млрд доллардан 15 млрд долларгача, яъни 4,6 мартага, импорт ҳажми 2,95 млрд доллардан 10,5 млрд долларгача, яъни 3,6 мартага ўсди. Экспорт ҳажмининг импорт ҳажмига нисбатан юқори суръатларда ривожланиши натижасида 2011 йилда мамлакатимизда 4,5 млрд долларлик ижобий сальдо шаклланди.

Таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё мамлакатлари экспорти ҳажмининг ривожланишига жаҳон хом ашё нархлари конъюнктураси сезиларли таъсир кўрсатади (2.5-жадвал).

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, агар 2002 йилда бир баррель нефтнинг ўртача нархи 23-24 долларни ташкил этган бўлса, 2003 йилга келиб мазкур кўрсаткич 28-31 долларга етди. 2004 йилда мамлакатда қазиб олинаётган нефтнинг ўртача нархлари 37-41 АҚШ долларида иборат бўлган бўлса, 2004 йилнинг охири ва 2005 йилнинг бошларида нефть нархлари юқори суръатларда ўсди ҳамда 2005 йилда 1 баррель нефтнинг ўртача нархи 55-56 долларга етди.

2.5-жадвал

Марказий Осиё мамлакатлари асосий экспорт товарлари динамикаси

	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Нефть (Brent), USD/баррель	28,5	37,8	55,1	66,0	72,7	98,4	61,6	79,5	110,9
Нефть (WTI), USD/баррель	31,2	41,2	56,6	66,2	72,3	99,7	60,8	79,4	104,1
Платина, USD/унция	688,5	774,6	896,3	1136,8	1300,1	1742	1098,5	1468,5	1568,3
Олтин, USD/унция	361,8	409,2	440,6	598,8	696,7	1001	886,5	1116,7	1433,3
Кумуш, USD/унция	4,9	6,7	7,3	11,6	13,4	16,2	14,67	20,19	35,12
Никель, USD/тонна	9681,2	13799,7	14738,4	24165,9	37229,8	21111	14660	21809	22894
Мис, USD/тонна	1635,1	2855,6	3678,7	6119,4	7143,5	6956	5149,7	7534,8	8821
Алюминий, USD/тонна	1431,6	1715,9	1898,5	2384,1	2625,0	2573	1750,4	2301,5	2645,5
Рух, USD/тонна	827,6	791,1	1381,8	3275,3	3242,4	1873	1654,7	2152	2192,9

Манба: www.ereport.ru

Ушбу тенденция кейинги йилларда ҳам давом этди. Жаҳонда углеводород хом ашёсига бўлган талабнинг ортиши, нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажмининг камайиши, нефть экспорт қилувчи давлатлардаги

ноқулай сиёсий вазият (Венесуэла, Нигерия, Ироқ, Эрон) туфайли нефть нархларининг ошиши 2006-2007 йилларда ҳам давом этди. Хусусан, 2007 йилда 1 баррель Brent навли нефтнинг нархи 72,7 долларга етган бўлса, WTI нефтининг нархи 72,3 АҚШ долларига тенг бўлди.

Нефть нархларининг юқори суръатларда ўсиши 2008 йилнинг июль ойигача давом этди. Агар 2008 йилда жаҳон нефть нархларининг ўртача қиймати 98-99 долларни ташкил этган бўлса, энг юқори кўрсаткич мазкур йилнинг июль ойида қайд этилди. 2008 йилнинг июль ойида 1 баррель нефтнинг ўртача нархи 134 долларга тенг бўлди. Албатта, нефть нархларининг бундай юқори суръатларда ўсиши йирик миқдорда нефть экспортини амалга ошираётган Қозоғистон Республикаси ташқи савдосига ижобий таъсир кўрсатди.

Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдоси ҳажмига ижобий таъсир кўрсатган омиллардан яна бири рангли металлларга бўлган жаҳон нархларининг юқори суръатларда ўсиши бўлди. Жадвал маълумотлари таҳлили шундан далолат берадики, айниқса, 2002-2007 йиллар давомида асосий турдаги металлларга бўлган нархлар юқори суръатларда ўсди.

Мазкур давр мобайнида гарчи Марказий Осиё мамлакатлари рангли металллар экспорти ҳажми сезиларли даражада ўзгармаган бўлса-да, 1 тонна алюминийнинг нархи 1350 доллардан 2638 долларгача (қарийб 2 марта), миснинг нархи 1559 доллардан 6646 долларгача (4,3 марта), никелнинг нархи 6775 доллардан 37230 долларгача (5,5 марта), қўрғошиннинг нархи 452 доллардан 2430 долларгача (5,4 марта), рухнинг нархи 779 доллардан 3243 долларгача (4,2 марта) ўсди. Бу эса ўз навбатида экспорт ҳажмининг сезиларли даражада ўсишига олиб келди.

Аммо жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, йирик миқдорда бир турдаги маҳсулотни экспорт қилиш мамлакатни жаҳон хом ашё бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларга боғлиқ қилиб қўяди. Бу ҳолат Марказий Осиё мамлакатларига ҳам тегишли. Хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози

натижасида 2008 йилнинг август ойидан жаҳон бозорида нефть нархларининг кескин суръатларда пасайиши Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи савдоси динамикасига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 2008 йилнинг август ойида нефть нархлари июль ойига нисбатан 13 фоизга пасайган бўлса, декабрь ойида яна 64 фоизга пасайди ва 41,7 АҚШ долларини ташкил этди. 2009 йилнинг дастлабки икки ойида жаҳон нефть нархларининг ўртача қиймати 39 долларга тенг бўлди.

Шунингдек, 2009 йилнинг январь ва февраль ойларидаги ўртача нархни 2007 йил маълумотлари билан солиштириш натижалари шуни кўрсатадики, ушбу давр оралиғида 1 тонна алюминийнинг нархи қарийб 2 баробарга, миснинг нархи 2 баробардан зиёдроққа, никелнинг нархи 3 баробардан кўпроққа, кўрғошиннинг нархи 2 баробардан кўпроққа, рухнинг нархи қарийб 3 баробарга пасайди.

Бунинг натижасида Қозоғистонда экспорт ҳажми 2008 йилда 71,1 млрд доллардан 43,2 млрд долларгача пасайди. Марказий Осиё мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистонда экспорт ҳажми пасаймади. Мамлакатимизда экспорт ҳажми 11,5 млрд доллардан 11,7 млрд долларгача ўсди.

Фақат 2010 йилга келиб жаҳон хом ашё бозорларида, хусусан, нефть ва нефть маҳсулотлари, рангли ва қора металл бозорида нархларнинг ўсиши натижасида Қозоғистон иқтисодиётида жонланиш ҳолатлари кузатила бошланди ва 2011 йилга келиб барча Марказий Осиё мамлакатларида, жумладан, Қозоғистонда экспорт ҳажмининг инқироздан олдинги даврдан юқори бўлишига эришилди.

Юқоридаги таҳлил натижаларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Ўзбекистон ва Қозоғистон экспорти таркибида хом ашё товарларининг юқори улушга эга эканлиги бу мамлакатларида экспорт ҳажмининг жаҳон хом ашё бозорлари конъюнктурасига боғлиқ қилиб қўймоқда. Бу эса экспорт таркибини диверсификациялаш ва экспорт таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори бўлган товарлар улушини оширишни энг долзарб

муаммолардан бирига айлантиради. Мамлакатларда экспорт таркибини диверсификациялаш зарурияти яна шу билан тушунтириладики, экспорт асосини ташкил этувчи маҳсулотлар (нефть ва нефть маҳсулотлари, рангли металллар) тикланмайдиган ресурслар гуруҳига киради.

Марказий Осиё мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон ва Қозоғистон иқтисодиётининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундан иборатки, унда ҳам ашё маҳсулотлари катта ўринга эга. Бу эса минтақа мамлакатлари иқтисодиётини жаҳон бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларга таъсирчан қилиб қўяди. Шу муносабат билан Марказий Осиё мамлакатлари бозор стратегияларининг муҳим йўналишларидан бири миллий иқтисодиётни диверсификациялаш ва ташқи савдонинг тармоқ таркибини такомиллаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Қозоғистонда амалга оширилаётган диверсификациялаш жараёнида ташқи савдони диверсификациялаш муҳим аҳамият касб этади. Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат тури (айниқса, ҳам ашё) улушининг катта бўлишига барҳам берилиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради.

Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташқи талаб қисқарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши валюта тушумларининг камайиши, ташқи савдо балансининг ёмонлашуви ва корхоналар молиявий аҳволининг тангликка юз тутишига олиб келиши мумкин.

Бунга яққол мисол: АҚШ ипотекали кредитлаш тизимидан бошланиб, кейинчалик жаҳоннинг барча мамлакатларини қамраб олган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi Қозоғистон Республикасининг ташқи савдо динамикасига кучли салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, 2009 йилда Қозоғистон ташқи савдо айланмаси 2008 йилга нисбатан 34,4 фоизга, шу жумладан, экспорт ҳажми 39,3 фоизга ва импорт ҳажми 25,3 фоизга қисқарди.

2.6-жадвал

Қозоғистон Республикаси экспортининг товар таркиби (фоизда)

Қозоғистон Республикаси						
	МДХ мамлакатларига			Бошқа мамлакатларга		
	2000	2006	2010	2000	2006	2010
Жами	100	100	100	100	100	100
Озиқ-овқат маҳсулотлари	20,0	12,4	13,6	2,1	1,2	2,4
Энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	55,0	49,7	47,1	54,1	75,7	74,2
Кимёвий маҳсулотлар ва пластмассалар	10,8	14,3	15,2	2,0	2,4	1,7
Пахта толаси	0,5	1,8	1,3	1,3	0,5	0,5
Қора ва рангли металллар	7,8	14,3	17,0	32,3	16,4	17,2
Машина ва ускуналар	5,2	7,1	5,2	1,7	1,0	1,1
Бошқалар	0,8	1,4	0,7	6,5	5,2	4,4

Манба: «Қазахстан сегодня» / Агентство Республики Казахстан по статистике.
– Астана, 2011 - С.56.

Шунингдек, экспорт умумий ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиб қолиши ҳам қалтис ҳолат ҳисобланади.

Минтақа мамлакатлари экспорти таркибини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, унда ханузгача хом ашё маҳсулотлари катта улушга эга (2.6-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда Қозоғистон экспорт таркибида бир қатор ўзгаришлар юз бериб, ушбу ўзгаришларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- экспорт таркибида энергия ташувчилар ва нефть маҳсулотлари асосий ўринни эгаллайди. Шу билан бирга сўнгги йилларда ушбу экспорт моддаларининг улуши ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда: агар 2000 йилда

жами экспортнинг 54,3 фоизи энергия ташувчилар ва нефть маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 69,5 фоизга етди. Бу ҳолат мамлакат иқтисодиётининг хом ашёга йўналганлик даражаси ошганлигидан далолат беради;

- таҳлил қилинаётган давр мобайнида рангли ва қора металлнинг жами экспортдаги салмоғи пасайди: агар 2000 йилда металлнинг жами экспортдаги улуши 25,8 фоизга тенг бўлган бўлса, 2010 йилга келиб 17,1 фоизни ташкил этди. Бундай ҳолат, бир томондан, рангли ва қора металл ишлаб чиқариш ва экспорти ҳажмининг камайганлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, бошқа экспорт товарлари, энг аввало нефть ишлаб чиқариш ва нефть экспортининг металлларга нисбатан юқори суръатларда ўсганлиги билан тушунтирилади;

- экспорт таркибида машина ва асбоб-ускуналарнинг салмоғи жуда кичик бўлиб, бу кўрсаткич сўнгги йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Хусусан, машина ва асбоб-ускуналарнинг жами экспортдаги улуши 2000 йилда 2,6 фоиздан 2010 йилда 1,7 фоизгача пасайди. Ваҳоланки, сўнгги йилларда жаҳон савдосида бунга акс манзара кузатилади: Агар 1960 йилда озиқ-овқат, хом ашё ва ёнилғи маҳсулотларининг жаҳон экспортидаги салмоғи 44,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 18 фоизгача пасайди. Айтиш мумкин бунга қарама-қарши ўлароқ, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улуши 55,8 фоиздан 82,0 фоизгача ўсди¹⁶. Бу эса мамлакатда тайёр маҳсулотлар экспортини ошириш бўйича жиддий чоратadbирларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади;

- таҳлил қилинаётган давр мобайнида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 6,8 фоиздан 4,4 фоизгача, кимё маҳсулотларининг салмоғи 4,3 фоиздан 4,0 фоизгача пасайди.

Қозоғистон Республикаси экспортининг товар таркибини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, озиқ-овқатлар, машина ва асбоб-

¹⁶Мировая торговля: статистическо-энциклопедический словарь. И.Н.Устинов – М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2011. – с.55.

ускуналар, шунингдек бошқа тайёр маҳсулотлар экспортини ошириш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш мумкин. Жадвал маълумотларидан яна шуни кўриш мумкинки, экспортнинг товар номенклатураси ниҳоятда тор бўлиб, унда ҳалигача хом ашё маҳсулотлари сезиларли ўринга эга. Агар 2000 йилда энг катта салмоққа эга бўлган учта товарнинг жами экспортдаги улуши 86,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 91 фоизга етган.

2.7-жадвал

Ўзбекистон Республикаси экспортининг товар таркиби (фоизда)

Ўзбекистон Республикаси			
	2000	2006	2010
Жами	100	100	100
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5,4	7,9	9,7
Энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	10,3	13,1	24,8
Кимёвий маҳсулотлар ва пластмассалар	2,9	5,6	5,1
Пахта толаси	27,5	17,2	11,3
Қора ва рангли металллар	6,6	12,8	6,8
Машина ва ускуналар	3,4	10,1	5,5
Хизматлар	13,7	12,1	9,1
Бошқалар	30,2	21,1	27,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари

Сўнгги йилларда Ўзбекистон экспортининг товар таркибида бир қатор ўзгаришлар юз бериб, ушбу ўзгаришларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- пахта толаси мамлакат экспортининг асосий моддаси сифатида сақланиб қолаётган бўлса-да, унинг улуши мустақиллик йилларида сезиларли даражада пасайди (1992 йилда 47,9 фоиздан 2010 йилда 11,3 фоизгача);

- мамлакат экспортида энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари тобора катта улушга эга бўлиб бормоқда (таҳлил қилинаётган давр мобайнида энергия манбалари ва нефть маҳсулотларининг улуши 14,8 фоиздан 24,8 фоизгача ўсган);

- мамлакат экспорт ҳажмида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда (1992 йилда 3,2 фоиздан 2010 йилда 9,7 фоизгача ўсган, шундан 5,6 фоизи истеъмолга мўлжалланган товарлардир)

- мустақиллик йилларида экспорт таркибида янги модда - хизматлар пайдо бўлди ва унинг жами экспортдаги улуши 2010 йилда 9,1 фоизни ташкил этди;

- сўнгги йилларда қора ва рангли металллар ҳамда машина ва асбоб-ускуналарнинг жами экспортдаги салмоғи сезиларли даражада пасайди (мас равишда 9,4 фоиздан 5 фоизгача ва 9,4 фоиздан 2,9 фоизгача).

Жадвал маълумотларидан яна шуни кўриш мумкинки, унда ҳалигача хом ашё маҳсулотлари сезиларли ўринга эга. Бундай ҳолат бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Хусусан:

- хом ашё маҳсулотлари қийматида тайёр маҳсулотларга нисбатан кўшилган қиймат салмоғи паст бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашни таъминлашга иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт қилинаётган товарлар таркибида тайёр маҳсулотлар улушини ошириш орқалигина эришиш мумкин;

- жаҳон хом ашё маҳсулотлари бозори конъюнктураси тайёр маҳсулотлар бозоридан фарқли ўлароқ нобарқарор ва унда тебранишлар даражаси юқори ҳисобланади. Бунинг энг асосий сабаби шундаки, хом ашё маҳсулотларининг нарх ва даромадлар бўйича талаб эластиклиги паст. Шу сабабли бу ҳолат макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин;

- хом ашёга асосланган экспорт таркибининг яна бир салбий жиҳати шундан иборатки, жаҳон бозорида хом ашёга бўлган нархлар юқори бўлган шароитда хом ашё экспорт қилувчи мамлакатларда миллий валюта алмашув курсининг қимматлашуви юз беради. Бу эса миллий қайта ишловчи

корхоналар рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келади ва инфляция даражаси ошади. Шу муносабат билан Қозоғистон ва Ўзбекистон ушбу муаммога барҳам бериш мақсадида барқарорлаштириш фондини барпо этиш йўлидан бормоқда. Бу фондлар мамлакатга кириб келаётган “ортиқча” валюталарни жамлаш ва давлат харажат дастурларининг барқарорлигини таъминлаш имконини беради;

- жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, экспорт таркибида хом ашё маҳсулотлари катта улушга эга бўлган мамлакатларда аҳолининг табақалашув даражаси юқори бўлиши кузатилади. Мутахассислар фикрича, мамлакатнинг энг бой 10 фоиз аҳолиси даромадларининг энг қашшоқ 10 фоиз аҳоли даромадларига нисбати 7 мартадан юқори бўлса, мамлакатдаги ижтимоий муҳит салбий томонга ўзгариши юз беради. Бугунги кунда Қозоғистонда бу кўрсаткич 14 баробарни ташкил этади ва мазкур кўрсаткич бўйича Россиядан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган маърузасида илгари сурилган тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради.

Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

Ўзбекистонда ўтган йиллар мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, ташқи савдо

таркибида ижобий силжишларга эришиш, унинг ҳажмини барқарор ўстириш имконини бермоқда.

Шундай қилиб, иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш ва экспортни диверсификациялаш соҳасида эришилган натижаларга қарамасдан ҳозирги пайтда ҳал этилиши лозим бўлган қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг муваффақиятли ҳал этилиши Ўзбекистон ва Қозоғистон ташқи савдо алоқаларини ривожлантиришга ҳамда жаҳон хўжалик тизимига самарали интеграциялашувига ижобий таъсир кўрсатади.

3-БОБ. МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Инвестициялар таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг муҳим омили сифатида

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ва бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, жаҳонда инвестициялар учун қатъий рақобатли кураш изчил давом этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, республика иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини ўтказиш, маблағларни мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи устувор йўналишларда ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш республикада ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг асосий тамойилларидир.¹⁷

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буни биргина 2010 йилда киритилган жами инвестициялар ҳажмидан ҳам билиб олиш мумкин. Рақамларга назар соладиган бўлсак, ўтган 2010 йилда 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг бўлган инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп эканлигидан далолатдир. Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни тўғридан-тўғри

¹⁷ Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 86 б.

хорижий инвестициялар миқдори 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.¹⁸

Молиялаштириш манбалари таркибига тўхталадиган бўлсак (3.1-жадвал), 2010 йилда умумий инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағлари 7,4 фоиз; чет эл инвестициялари 28,8 фоиз; корхоналар ва аҳоли маблағлари 47,3 фоизни ташкил этган.

3.1-жадвал

2005-2010 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши, фоизда

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари

Кўрсаткичлар таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётган бир шароитда ҳам Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олмоқда. Бунга албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган ва узоқ стратегик мақсадларни кўзлаган инвестицион дастурлар ҳамда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги асосий омил бўлмоқда. 2006-2010 йиллар давомида Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилнган хорижий инвестициялар ҳажми 2010 йилда 2006 йилга қараганда 3,6 баробарга кўпайган. 2010 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар умумий хорижий инвестицияларнинг қарийб 84 фоизини, ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар эса атига 16,1 ташкил этган (3.1-расм). Ваҳоланки 2006 йилда ҳукумат кафолати остидаги


¹⁸ “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь, № 16 (5183).

инвестициялар умумий хорижий инвестицияларнинг 23,7 фоизини ташкил қилган. Бу ҳам бўлса, Президентимиз томонидан мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий диверсификация қилиш жараёнининг тўғри ва аниқ олиб борилаётганлигидан далолатдир.

Иқтисодийдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлаштириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва булар асосида миллий иқтисодийтимизни барқарор ва динамик ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1213-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилга инвестицион дастури ҳақида”ги Қарори¹⁹ тасдиқланган бўлиб, ушбу дастур асосидаги капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари таркибида банк тизими инвестицион кредитларининг аҳамияти юқори бўлмоқда. Ушбу дастурни амалга ошириш давомида 2010 йилнинг ўзидаёқ барча барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал аҳамиятга эгадир. Буни биргина 2010 йилнинг ўзидаёқ Инвестиция дастури доирасида 200 дан зиёд лойиҳа амалга оширилганлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан, йилига 50 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “М-300” русумидаги енгил автомобиль ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, 200 минг тонна калий ўғитлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “Деҳқонобод калий ўғитлари заводи қурилиши”, “Хонжиза конида полиметалл рудаларга ишлов бериш” каби йирик лойиҳалар, Навоий конметаллургия комбинати, “Навоийазот”

¹⁹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, 2009 й., 10-сон, 403-модда.

компаниясининг бир қатор янги объектларни барпо этиш ишлари ва бошқа лойиҳалар ниҳоясига етказилди.²⁰




3.1-расм. 2006-2010 йиллар давомида Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар динамикаси, млн. АҚШ доллари
Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари

Юқорида келтирилган расмдан кўриш мумкинки, 2010 йилда иқтисодиётга киритилган туғридан-тўғри инвестициялар 2009 йилга нисбатан 10,5 фоизга ошган ва унинг катта қисми, яъни 60,1 фоизи нефт-газ тармоғини модернизациялашга, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта қуришга ва геология қидирув ишларига сарфланган. Агар ушбу кўрсаткич таҳлилини 2005 йилга нисбатан оладиган бўлсак, тўғридан-тўғри жалб қилинган

²⁰ “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь, № 16 (5183).

хорижий сармоялар 2010 йилда қарийб беш баробарга кўпайганлигини қайд этиш мумкин.

Президентимизнинг 2010 йилда мамлакат иқтисодиётига киритилган умумий инвестициялар ЯИМнинг қарийб 25 фозини ташкил этганлиги тўғрисидаги таҳлилларини давом эттирган ҳолда таъкидлаш мумкинки, тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар ЯИМнинг қарийб 6,8 фозини ташкил қилмоқда. Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини ва инвестиция муҳитига таъсир кўрсатувчи ижобий омиллардан бири сифатида сиёсий ва макроиқтисодий барқарорликни ва инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли кафолати таъминланганлигини санаб ўтиш лозим (3.2-расм).



3.2-расм. 2005-2010 йиллар давлат Инвестиция дастурлари доирасида тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг жалб қилиниш динамикаси, млн. АҚШ доллари.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари

Ўзбекистон капитални импорт қилувчи мамлакат сифатида жаҳон майдонига чиқар экан, бир қатор муайян манфаатларни кўзлайди. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатга хориждан янги технологиялар, ускуналар, “ноу-хау”ни олиб киришга, чет эллик мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларни жалб қилиш орқали маҳсулот сифати ва ишчи кучи малакасини оширишга эришиш мумкин.

Шунингдек, хориж сармоялари ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, қўшимча иш ўринларига эга қилади, янги техника, технологияларни иқтисодиёт тармоқларига олиб киради, мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига ёрдам беради.

Мамлакат иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларни кенг миқёсда жалб этиш Қозоғистон ҳукумати иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади, чунки иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш шароитида бевосита хорижий инвестициялар миллий жамғармалар имкониятларидан кўпроқ инвестицияларни амалга оширишда ва ишлаб чиқариш базасини янгилашда муҳим ўрин тутди.

Бундан ташқари, хорижий инвестициялар жалб этиш орқали технологик ускуналар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг замонавий усуллари импорт қилиш, жаҳонда машҳур компанияларнинг савдо белгиларидан, нау-хаулардан, трансмиллий компанияларнинг маҳсулот экспортини кенгайтириш учун жаҳон бозорларига кириб бориш каналларидан фойдаланиш имконияти юзага келади. Замонавий ишлаб чиқаришнинг мазкур омиллари ҳар доим ҳам жаҳон бозорларида сотилмайди ва кўпинча бевосита хорижий инвестициялар кириб келиши билан бирга ўзлаштирилади.

Бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш жаҳон хўжалигида глобаллашув ва байналмилаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бугунги кунда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Бевосита хорижий инвестицияларнинг яна бир афзал жиҳати шундан иборатки, трансмиллий компаниялар билан боғлиқ бўлмаган маҳаллий корхоналар ҳам хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг мавжудлигидан ўз даромадлари улушларини оладилар. Талаб-таклиф занжирида хорижий инвестиция иштирокидаги компаниялар ва маҳаллий корхоналар ўртасидаги ўзаро алоқалар қанчалик зич бўлса, хорижий


инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг мавжудлиги ҳамда ушбу корхоналар билан рақобатдан қўшимча (билвосита) ижобий самара олиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Бундан ташқари ушбу ижобий самара бошқа маҳаллий корхоналарга ҳам юқори суръатларда тарқалади. Мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, Қозоғистон ўзининг ички имкониятларига асосланиб, қулай инвестиция муҳитини яратишга киришди. Ислохотлар даврида, энг аввало, инвестиция фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари барпо этилди. Мамлакатда қулай инвестиция муҳитини барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга молик. 1994 йилнинг 27 декабрида қабул қилинган “Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги қонун Қозоғистон Республикасига хорижий инвестициялар жалб этишнинг ҳуқуқий асослари, хорижий инвестицияларнинг шакллари ва объектлари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берди. 1997 йил февралда қабул қилинган Қозоғистон Республикасининг “Бевосита инвестицияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Қонунида эса Қозоғистоннинг устувор тармоқларига инвестиция киритаётган сармоядорларнинг ҳолати, шунингдек, хорижий инвесторларга тақдим этилган имтиёзлар ва енгилликлар рўйхати аниқ акс эттирилган.

Бундан ташқари хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида Қозоғистонда инвестиция фаолиятини тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва амалиётга жорий этилди. Айниқса, 2003 йил 8 январда қабул қилинган “Инвестициялар тўғрисида”ги қонун мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратишда муҳим ўрин тутди. Ушбу қонунда хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро амалиётда қабул қилинган барча кафолатлари кўзда тутилган.

Мамлакат иқтисодиётига йирик миқдордаги инвестиция ресурсларини жалб этиш, хорижий ва миллий инвестициялардан оқилона фойдаланиш зарурияти ягона давлат органини ташкил этишни тақозо этди. “Бевосита

хорижий инвестицияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ Қозоғистон Республикаси Давлат инвестиция қўмитаси ташкил этилди. Кейинчалик бу қўмита Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар Вазирлиги Инвестиция қўмитасига айлантирилди. Бу қўмитанинг асосий вазифаси иқтисодиётнинг динамик ривожланишини таъминлаш мақсадида инвестиция фаоллигини оширишга ёрдам кўрсатишдан иборат.

Қабул қилинган қонуний ҳужжатлар ва ташкилий тадбирлар мамлакатда қулай инвестиция иқлимининг шаклланишига ва Қозоғистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар оқимининг кучайишига олиб келди



3.3-расм. Қозоғистон Республикаси иқтисодиётига киритилган жами бевосита хорижий инвестициялар динамикаси, млн. долл.

Манба: Казахстан в 2011 году /Статистический ежегодник Казахстана. – Астана: 2012. – С.210 асосида тузилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда Қозоғистон Республикаси иқтисодиётига киритилган бевосита хорижий инвестициялар ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Агар 2004 йилда Қозоғистон иқтисодиётига киритилган жами бевосита хорижий инвестициялар ҳажми 8317 млрд долларни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич

17353,4 млрд долларга етди. Умуман 1993 йилдан 2010 йилга қадар Қозоғистон иқтисодиётига жалб этилган жами бевосита хорижий инвестициялар ҳажми 130 млрд доллардан ошиб кетди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Қозоғистон Республикаси иқтисодиётига жалб этилаётган бевосита хорижий инвестициялар ҳажмига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Натижада 2010 йилда 2008 йилга нисбатан 12,4 фоизга пасайди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ташқи молиялаштириш манбаларини жалб этиш имкониятларининг қисқаришига, кредитларни қайта молиялаш амалиётининг мураккаблашувига олиб келди. Ташқи бозорларда қарз олиш ҳажми жаҳон бўйича ривожланаётган мамлакатларда 2007 йилга нисбатан 2008 йилда 42 фоизга камайди. Шу муносабат билан бу мамлакатларда фақат бевосита хорижий инвестицияларнинг ўсишига эришилди, холос. Бунинг натижасида бевосита хорижий инвестицияларнинг жами молиялаштириш манбаларидаги улуши 73 фоизга етди. Худди шундай тенденция Қозоғистонда ҳам кузатилди. 2008 йилда портфель инвестициялар ҳажми қарийб 20 фоизга қисқарди. Бевосита хорижий инвестициялар эса нисбатан барқарор ҳолатда сақланиб қолди. 2009 йилда Қозоғистон иқтисодиётига киритилган жами инвестицияларнинг 37 фоизи хорижий инвестициялар ташкил этган бўлса, уларнинг 70 фоизга яқини бевосита хорижий инвестициялардир²¹.

Яқин йилларда халқаро молия бозорларига кириш ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан Қозоғистон учун ҳам анча мураккаб ҳисобланади. Шу сабабли яқин келажакда бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутди.

²¹ Инвестиционная деятельность в Республике Казахстан /Статистический сборник. Астана: 2010. – С.11

Шу билан бирга Қозоғистон иқтисодиётига жалб этилаётган бевосита хорижий инвестицияларнинг тармоқ таркибини кўриб чиқадиган бўлсак, унда хом ашёга йўналганлик даражасининг юқорилигига гувоҳ бўламиз.

Қозоғистон ялпи ички маҳсулотининг товар таркибида қазиб олувчи саноат тармоқлари улушининг юқорилиги кўп жиҳатдан мамлакатда юритилаётган инвестиция сиёсати билан боғлиқ. Мамлакат иқтисодиётига жалб қилинаётган бевосита хорижий инвестициялар таркибининг таҳлили фикримиз далилидир.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, 2006 йилда республика иқтисодиётига киритилган бевосита хорижий инвестицияларда геология-разведка ва қидирув ишларининг салмоғи 51 фоизни ташкил этган. Гарчи 2007 ва 2008 йилларда бу кўрсаткич бирмунча пасайган бўлса-да, 2009 йилга келиб унинг улуши яна сезиларли даражада ошди ва 48,1 фоизни ташкил этди. Бунинг энг асосий сабаби шундан иборатки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида хорижий инвесторлар ўз маблағларини юқори даромад келтирадиган ва таваккалчилик даражаси паст соҳаларга сарфлашни афзал биладилар. Шу муносабат билан хорижий инвесторлар Қозоғистон иқтисодиётининг энг ишончли ва жозибадор соҳаси сифатида фойдали захираларни излаб топиш соҳасини танлай бошладилар. Бу эса бугунги кунда бевосита хорижий инвестициялар таркибини такомиллаштириш бўйича жиддий чора-тадбирлар амалга ошириш лозимлигини кўрсатади.

Қозоғистон иқтисодиётига киритилаётган бевосита хорижий инвестицияларнинг катта қисми тоғ-кон саноати ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, 2011 йилда мамлакат иқтисодиётига киритилган бевосита хорижий инвестицияларнинг қарийб 1/5 қисми айнан шу соҳага тўғри келган.

Тоғ-кон саноатига киритилган инвестицияларнинг деярли 90 фоизини хом нефть ва табиий газ ишлаб чиқариш ташкил қилади. Кўриниб турибдики, бевосита хорижий инвестицияларнинг жуда катта қисми табиий ресурсларни

излаб топиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ соҳаларга киритилмоқда. Қайта ишлаш саноатига киритилган бевосита хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши 2010 йилда атиги 11,8 фоизга тенг бўлиб, унинг 86 фоизи металлургия саноати ҳиссасига тўғри келади.

3.2-жадвал

Қозоғистон иқтисодиётига киритилган бевосита хорижий инвестицияларнинг тармоқ таркиби, (жамига нисбатан % да)

	2006	2007	2008	2009	2010	2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши, “+”, “-”
Тоғ-кон саноати	22,6	29,2	15,7	24,6	20,8	-1,8
Шундан: Хом нефть ва табиий газ ишлаб чиқариш	18,9	27,4	13,2	21,7	15,6	-3,3
Қайта ишлаш саноати	6,0	5,7	8,9	7,8	11,8	+5,8
Шундан: Металлургия саноати ва металлга ишлов бериш	4,0	4,5	6,0	5,1	10,2	+6,2
Қурилиш	3,6	2,6	2,3	1,3	3,5	-0,1
Савдо; автомобиллар ва уйда фойдаланила-диган буюмларни таъмирлаш	7,0	6,7	4,2	5,8	6,4	-0,6
Кўчмас мулк билан операциялар, ижара ва корхоналарга хизмат кўрсатиш	52,2	37,8	40,1	58	50,5	-1,7
Геология разведкалари ва кидирувларини ўтказиш бўйича фаолият	51	36	38,2	48,1	54,5	+3,5
Бошқалар	8,6	18,0	28,8	2,5	2,0	-6,6

Манба: Казахстан в 2010 году /Статистический ежегодник Казахстана. – Астана: 2011. – С.216-217 асосида тузилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Қозоғистонда бевосита хорижий инвестицияларнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, аммо статистик маълумотлар шундан далолат берадики, уларнинг улуши нефть сектори ва геология қидириув ишларига киритилаётган инвестициялардан сезиларли даражада паст.

Экспертлар фикрича, Қозоғистон Республикасининг хом ашёга асосланмаган соҳаларига бевосита хорижий инвестициялар кириб келишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар қуйидагилардан иборат:

- Қозоғистон Республикасининг халқаро савдога етарли даражада жалб этилмаганлиги;
- транспорт-логистика инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги;
- хорижий инвесторларнинг ер участкаларидан фойдаланишларидаги мураккабликлар;
- хорижда Қозоғистон Республикаси ҳақида маъмурий бошқарув устувор ўринга эга мамлакат сифатида имижнинг шаклланганлиги ва ҳ.к.²².

Юқоридагилардан ташқари, бизнинг фикримизча, Қозоғистон ҳудудининг автомобиль ва темир йўллари билан қамраб олиниш даражасининг пастлиги, корхоналар томонидан хорижий инвесторларга ажратилаётган ерларнинг инженер-коммуникация инфратузилмасига эга эмаслиги, ишловчиларнинг малакаси ҳамда лаёқатли ва истеъдодли кадрларни сақлаб қолиш билан боғлиқ муаммолар ҳам бевосита хорижий инвестициялар жалб этишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хорижий ва миллий экспертлар фикрича, яқин келажакда бевосита хорижий инвестициялар таркиби ўзгармайди. Бевосита хорижий инвестицияларнинг асосий қисми худди олдинги йиллардагидек, геология кидирув ишларига ҳамда хом нефть ва табиий газ ишлаб чиқаришга сарфланади²³. Бунинг энг асосий сабаби бевосита хорижий инвестициялар учун энг юқори фойда меъёри ва қопланиш муддатининг қисқалиги айнан шу тармоқларда қайд этилмоқда. Бошқа тармоқларда бундай тенденция кузатилмаяпти.

Шу сабабли иқтисодиётнинг хом ашёга асосланмаган соҳаларига бевосита хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш учун уларга киритилган

²² Калабин В. Поворот инвестиционных рек /Сайт журнала «Эксперт-Казахстан».

²³ Калабин В. Поворот инвестиционных рек /Сайт журнала «Эксперт-Казахстан».

хорижий инвестициялардан олинадиган даромаднинг хом ашё секторидан олинадиган даромадларга яқин бўлишини таъминлаш лозим. Бу эса давлатнинг бевосита хорижий инвестицияларни мақсадга мувофиқ жалб қилишга қаратилган фаолиятини қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

3.2. Ўзбекистон ва Қозоғистон иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни жадаллаштириш истиқболлари

Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграция жараёнини фақат давлатнинг таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллашишини назарда тутади. Очiq бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шароит Ғарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга барқарор қизиқишини уйғотмоқда. Бугунги кунда бизнинг тадбиркорларимиз ҳам хорижий инвесторларни ҳамкорликка жадал жалб этмоқда.


Айни дамда, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олмоқда: корхонани ташкил этиш сабабларини инобатга олиш; ишончли шерик танлаш; хорижий ининвестициялар иштирокидаги корхона барпо этиш ҳақида қарор қабул қилиш.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани ташкил этиш сабабларининг асосан уч туркумини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар, ички, ташқи ва стратегик.

Ички сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат:

- яратилган инвестиция муҳитидан фойдаланиш;
- бошқарувнинг янги усулларини ўзлаштириш;
- замонавий ва энг қулай тартибга эришиш;
- маҳаллий ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланишни кенгайтириш;

- хориж бозорига кириб боришни тезлаштириш;
- ижтимоий, маданий ва сиёсий билимларни кенгайтириш;
- ходимлар малакасини ошириш.



3.4-расм

Ташқи сабаблар таркиби қуйидагича:

- ❖ жаҳон бозорига чиқиш;
- ❖ соғлом ва самарали рақобат муҳити;
- ❖ сиёсий кескинликнинг юмшашиши;
- ❖ маҳаллий ҳокимиятнинг талаблари.

Стратегик сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат:

- мамлакатда замонавий иш юритиш усулларида
фойдаланиш имконияти;
- мустақкам хом ашё базасига эга бўлиш;
- технологиялар трансферти;

- ишлаб чиқаришни кенгайтириш.²⁴

Корхоналарни инвестицион фаолиятини ривожлантириш истиқболларини инвестицион дастур доирасида ҳамда алоҳида илмий асосланган лойиҳаларни ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади. Инвестицион лойиҳалар турли шакл ва мазмунга эга бўлиб, улар корхоналарни барпо этиш, турли объектларни қуриш, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа мақсадларни амалга оширишга йўналтирилади.

Республикамизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўли билан самолётсозлик, радиоэлектроника, электроника соҳаларининг ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шунингдек, енгил ва озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришни таъминловчи бошқа истиқболли тармоқлар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширила бошланди.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Президент И.А.Каримовнинг ғояларидан келиб чиқиб, бошланган таркибий ўзгаришларни давом эттириш, уларни янги йўналишга ўтиш дастурлари, чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мўлжалланмоқда:

- республика иқтисодиётининг юқори самарали, экспортга йўналтирилган тузилмасини шакллантириш;
- иқтисодиётнинг ўзак тармоқларини техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;
- енгил ва қайта ишлаш саноати корхоналарини техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш;
- юқори технологияни ва илмталаб ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш.²⁵

²⁴ Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 89-90 б.

²⁵ Абулқосимов Ҳ.П. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар. – Т., Akademiya, 2008.

2010 йилда иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми амалдаги баҳоларда жами 15409,1 миллиард сўмни ташкил этди (3.2-жадвал).

Умумий инвестицияларда марказлашган инвестицияларнинг улуши таҳлил қилинаётган, яъни 2010 йилда 18,5 фоизни, қолган 81,5 фоизи эса марказлашмаган инвестициялардан иборат бўлди. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткичлар 2002 йилда бошқача нисбатни ташкил қилган, яъни мос равишда марказлашган инвестициялар умумий инвестицияларнинг 20,8 фоизини, марказлашмаган инвестициялар эса 76,1 фоизини ташкил этган. Бундан кўриш мумкинки, динамикада ялпи инвестицияларда марказлашган инвестицияларнинг улуши камайиб борган.

3.3-жадвал

Инвестиция соҳасидаги макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси

Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Амалдаги баҳоларда, жами, млрд. сўм	3165,2	4041,0	5479,7	8587,1	12531,9	15409,1
Жорий йилга нисбатан % ҳисобида	107,0	109,1	122,9	128,3	124,8	109,2
ЯИМда инвестиция миқдори, %	20,8	19,5	19,4	22,7	26,1	24,9
Марказлашган инвестициялар амалдаги баҳоларда, млрд.сўм	755,8	915,8	1099,7	1717,0	2517,9	2855,3
Капитал қўйилмаларда марказлашган инвестициялар миқдори, %	23,9	23,1	20,1	20,0	20,1	18,5
Марказлашмаган инвестициялар амалдаги баҳоларда, млрд. сўм	2409,4	3109,0	4380,0	6870,1	10014,1	12553,8
Капитал қўйилмаларда марказлашмаган инвестициялар миқдори, %	76,1	76,9	79,9	80,0	79,9	81,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари

Аммо шуни ҳам қайд этиш лозимки, бугунги кунда инвестиция муҳитига бир қанча салбий омиллар ўз таъсирини кўрсатмоқда. Булар сирасига мавжуд инфратузилмалардан фойдаланишдаги муаммоларни

келтириш мумкин. Шунингдек, солиқ, божхона, банк соҳасида ва инвесторларга ер ажратиш билан боғлиқ тўсиқлар ҳам тез-тез учраб турибди (3.4-расм). Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги ибораларни эсга олиш жоиз, яъни “Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгилаш ҳам бўлмайди”.²⁶



3.5-расм

Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, мустақиллик йилларида Республикамизга 33,6 млрд. АҚШ долларидадан зиёд хорижий инвестициялар жалб этилган. Мазкур инвестицияларнинг барчаси асосан етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни ривожлантиришга йўналтирилди. Хусусан, охириги йилларда амалга оширилиши тугалланган

²⁶ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010.

йирик инвестицион лойиҳаларни келтириб ўтадиган бўлсак, улар қуйидагилардир:

- Янги русумдаги 480 дан ортиқ MAN оғир юк автомобиллари ҳамда 7797 дона Спарк М300 енгил автомобиллар ишлаб чиқарилди (инвестиция ҳажми – 31,3 млн.долл. ва 3 млн.евро);
- Йилига 30,0 млрд.куб.м. газни транзит қилиш қувватига эга бўлган “Ўзбекистон-Хитой” газ қувури ишга туширилди (инвестиция ҳажми – 3168,9 млн.долл.);
- Кўкдумалоқ конида йилига 6 млрд.куб.м. йўлдош газларни утилизация қилиш станцияси қурилди (инвестиция ҳажми – 373,0 млн.долл.);
- Хаузак конида йилига 3 млрд. метр куб газни бирламчи тайёрлов мосламаси ишга туширилди (ЛУКОЙЛ билан ҳамкорликда) (инвестиция ҳажми – 302,8 млн. долл.);
- «Тошгузар – Бойсун – Кумкўрғон» йўналишидаги янги темир йўллар (инвестиция ҳажми – 34,4 млрд.сум);
- «Навоий – Учқудуқ – Султон Увайстоғ – Нукус» темир йўл линиясининг 6 та янги разезди ишга туширилди (инвестиция ҳажми – 6,8 млрд.сум);
- «Тукумачи-Ангрен» йўналишида янги темир йўллар (инвестиция ҳажми – 85,4 млн.долл.).

2010 йилнинг 15 декабрида мамлакатимиз Президентининг саноатни барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида ПҚ-1442-сонли “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг

устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушубу қарорда саноатни ривожлантиришнинг комплекс дастури ва модернизация қилиниши, техник ва технологик янгиланиши, янгидан барпо этилиши кутилаётган йирик инвестицион лойиҳалар акс этган бўлиб, қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб берилган:

- структура ҳосил қилувчи тармоқларни ва умуман саноатни ривожлантиришнинг аниқ, чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйланган узоқ муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш, шу асосда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш;
- саноат маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, республика саноати ва умуман иқтисодиётини ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткичлар ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимотидаги роли ва ўрни юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устувор тармоқларни илдам ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;
- саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илјор инновация технологияларини жадал

татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

- ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш;

- меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобига саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;

- саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш.²⁷

Келтирилган устувор йўналишларни амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 50 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 519 та лойиҳани ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Шундан

²⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2010 йил, 50-сон, 472-модда.

молиялаштириш манбалари аниқ бўлган инвестицион лойиҳаларнинг сони 260 тани ташкил этгани ҳолда, ўзлаштириладиган маблағлар қиймати 30 074,2 миллион АҚШ долларига тенг.

Ишлаб чиқиладиган янги инвестиция лойиҳалар рўйхати бўйича:

- 6,03 млрд. доллар истиқбол қийматига эга 99 та йирик тармоқ лойиҳалари, - 412 млн. долларга тенг 442 та ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар йили саноатни ривожлантириш учун ўртача 10 миллиард долларга тенг бўлган инвестицион маблағлар иқтисодиётга жалб қилинади. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринларини ташкил этишни ва қўшимча даромадларнинг шаклланишини, шунинг билан бирга асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлган, яъни ЯИМнинг ўсишини таъминлашга ва натижада аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

3.3. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш истиқболлари

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги икки томонлама савдо алоқалари 1997 йил 2 июндаги икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида тузилган эркин савдо тўғрисидаги Битим орқали тартибга солинади.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириши қатор афзалликларга эга. Шунга қарамасдан, Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқалари талаб даражасидан анча паст.

Маълумки, ўзининг табиий-иқтисодий ва молиявий салоҳияти нуқтаи назаридан Қозоғистон Республикаси Марказий Осиё мамлакатлари орасида алоҳида ўринга эга. Шу нуқтаи назаридан ушбу мамлакат билан савдо-

иқтисодий алоқаларни юқори даражада ривожлантириш ҳар икки мамлакат учун ҳам ўзаро манфаатли ҳисобланади.

3.4-жадвал

Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан товар айланмаси динамикаси (млн АҚШ доллари)

	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2010 йилда 2004 йилга нисбатан, %
Товар айланмаси	425,9	516,4	718,6	1193,9	912,5	1307,2	1808,3	4,2 марта
Экспорт	184,7	246,9	304,7	661,7	459,9	513,7	852,1	4,6 марта
Импорт	241,2	269,5	413,9	532,2	452,6	793,5	956,2	4 марта
Сальдо	- 56,5	-22,5	-109,2	129,5	7,3	- 279,8	-104,1	-

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ташқи савдо айланмасида Қозоғистон Республикаси энг катта салмоққа эга. Агар 2004 йилда Марказий Осиё мамлакатлари билан жами ташқи савдо айланмасининг 50,8 фоизи Қозоғистон Республикаси ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 83,7 фоизга тенг бўлди. Бу, энг аввало, икки мамлакат иқтисодий салоҳиятининг минтақанинг бошқа мамлакатларга нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги билан изоҳланади. Умуман, таҳлил қилинаётган давр мобайнида бу икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси ҳажми 4,2 мартага ўсган ва 2010 йилда 1808,3 млн долларни ташкил этган. Хусусан, 2004-2010 йилларда Ўзбекистондан Қозоғистонга экспорт қилинган товар ва хизматлар экспорти ҳажми 184,7 млн доллардан 852,1 млн долларгача, яъни 4,6 мартага, Қозоғистондан импорт қилинган товар ва хизматлар ҳажми эса 241,2 млн доллардан 956,2 млн долларгача, яъни 4 мартага ўсган.

Бу икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқалари тўғрисида фикр юритганда яна шуни алоҳида қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда экспортга нисбатан импортнинг юқори бўлиши кузатилади (фақат 2007 ва 2008 йиллар бундан мустасно), яъни Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги савдо алоқаларида Ўзбекистон учун салбий сальдо шаклланган. Хусусан, 2010

йилда Қозоғистонга чиқарилган экспортга нисбатан импорт ҳажми 104,1 млн долларга кўп бўлган.

Республикаимизнинг Қозоғистон билан савдо-иқтисодий алоқаларини мақсадга мувофиқ ривожлантириши унинг товар таркибини такомиллаштириш билан яқиндан боғлиқ. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг Қозоғистон Республикасига экспортида энергия ташувчилар асосий ўринни эгаллайди (3.5-жадвал).

3.5-жадвал

Ўзбекистоннинг Қозоғистон Республикасига экспортининг товар таркиби (фоиз ҳисобида)

	2005		2006		2007		2008		2009		2010	
	Млн. дол.	%	Млн. дол.	%	Млн. дол.	%	Млн. дол.	%	Млн. дол.	%	Млн. дол.	%
Жами	224,8	100	277,9	100	621,1	100	392,3	100	478,6	100	811,6	100
Энергия ташувчилар	122,7	54,6	113	40,7	281,2	45,3	133,7	34,1	359,9	75,2	439,9	54,2
Озиқ-овқат маҳсулотлари	2,72	1,2	5,06	1,8	8,45	1,4	7,38	1,9	8,45	1,8	201,7	24,8
Қурилиш материаллари	11,67	5,2	24,67	8,9	95,41	15,4	73,7	18,8	22,08	4,6	28,22	3,5
Ўғит	3,44	1,5	4,38	1,6	13,26	2,1	29,61	7,5	10,36	2,2	23,28	2,9
Машина ва асбоб-ускуналар	12,42	5,5	27,31	9,8	35,98	5,8	8,60	2,2	9,02	1,9	22,98	2,8
Қора металл	29,18	13,0	36,26	13	75,54	12,2	77,45	19,7	14,15	3	14,21	1,7
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса буюмлар	7,37	3,3	10,17	3,7	12,34	2	10,17	2,6	14,36	3,8	21,2	2,6
Бошқалар	35,3	15,7	57,05	20,5	98,92	15,9	51,69	13,2	40,28	8,4	60,11	7,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Гарчи 2005-2010 йиллар давомида Ўзбекистоннинг Қозоғистонга энергия ташувчилар экспорти 122,7 млн доллардан 439,9 млн долларгача ўсган бўлса-да, унинг жами экспортдаги улуши деярли ўзгаришсиз сақланиб қолган ва 54 фоиздан зиёдрокни ташкил этган. Ваҳоланки, 2009 йилда жами экспортнинг 3/4 қисми айнан шу товарга тўғри келган эди.

Маълумки, Ўзбекистонда ҳар йили 5 млн. тоннадан ортиқроқ мева ва сабзавотлар ишлаб чиқарилади ва унинг атиги 10 фоизи ички истеъмолга сарфланади, холос. Қолган қисmini хорижий мамлакатларга, энг аввало,

қўшни мамлакатлар, хусусан, Қозоғистон Республикасига экспорт қилиш имконияти мавжуд. Шунга қарамасдан озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти жами экспортнинг жуда кичик салмоғини ташкил этади. 2005-2009 йилларда жами экспортнинг 1,2-1,9 фоизигина озиқ-овқат маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келган. Фақат 2010 йилга келиб вазият сезиларли даражада яхшиланди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ҳўл меваларни экспорт қилиш борасида амалга оширилган чоралар натижасида 2010 йилда Қозоғистонга 201,7 млн долларлик, ёки жами экспортнинг 24,8 фоизи миқдорида озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилинди.

3.6-жадвал

Ўзбекистонга Қозоғистон Республикасидан импорт қилинаётган товарлар таркиби (фоиз ҳисобида)

	2005		2006		2007		2008		2009		2010	
	Млн. дол.	%	Млн. дол.	%	Млн. дол.	%	Млн. дол.	%	Млн. дол.	%	Млн. дол.	%
Жами	250,7	100	409,6	100	712,2	100	1199,4	100	775,3	100	935,4	100
Энергия ташувчилар	83,13	33,2	173	42,2	201,2	28,2	351,25	29,3	252,9	32,6	346,8	37,1
Озиқ-овақт маҳсулотлари	76,63	30,6	90,74	22,2	185,3	26	355,35	29,6	291,9	37,6	317,9	34
Қора металл	39,86	15,9	95,63	23,3	228,6	32,1	203,83	17	114,6	14,8	196,1	21
Қурилиш материаллари	16,35	6,5	17,41	4,2	24,03	3,4	28,37	2,4	33,85	4,4	25,39	2,7
Пластмасса ва пластмасса маҳсулотлар	1,23	0,5	2,63	0,6	3,55	0,5	5,48	0,5	5,51	0,7	7,01	0,7
Машина ва асбоб-ускуналар	2,65	1,1	5,84	1,4	3,2	0,4	12,4	1,0	19,93	2,6	6,55	0,7
Бошқалар	30,85	12,3	24,35	5,9	66,32	9,3	242,72	20,2	56,61	7,3	35,65	3,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Гарчи сўнгги йилларда республикада иқтисодийни модернизациялаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида қўшилган қиймат даражаси юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражаси сезиларли даражада ўсган бўлса-да, Қозоғистонга чиқарилаётган экспорт товарлари таркибида тайёр маҳсулотлар улуши жуда паст салмоқни ташкил этади. Агар 2005 йилда Қозоғистонга чиқарилган товарлар экспортида машина ва асбоб-ускуналарнинг улуши 5,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2010

йилга келиб бу кўрсаткич қарийб 2 баробарга қисқарди ва 2,8 фоизни ташкил этди, холос.

Юқоридаги таҳлил натижаларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмапти. Бу эса Қозоғистон Республикасига чиқариладиган экспорт товарлари таркибини такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб этади (3.6-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Қозоғистондан импорт қилинадиган товарларнинг асосий қисмини энергия ташувчилар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этади. Агар 2005 йилда Қозоғистондан жами импортнинг 33,2 фоизи энергия ташувчилар ҳисобига тўғри келган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 37,1 фоизгача ўсди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳам жами импортдаги салмоғи таҳлил қилинаётган давр мобайнида 30,6 фоиздан 34 фоизгача ўсди. Қозоғистон Республикасидан импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг катта қисми ун ва ун маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келади.

Маълумки, Ўзбекистон рангли металллар захираларига бой бўлса-да, қора металллар захиралари деярли йўқ. Шу сабабли республикамиз Қозоғистондан катта миқдорда қора металллар импорт қилади. Агар 2005 йилда 39,86 млн долларлик ёки жами импортнинг 15,9 фоизи миқдорида қора металллар импорт қилинган бўлса, 2010 йилга келиб 196,1 млн долларлик ёки жами импортнинг 1/5 қисми миқдорида қора металллар сотиб олинган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Қозоғистондан импорт қилинадиган тайёр маҳсулотлар катта салмоқни ташкил этмайди. Бошқача қилиб айтганда Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари ўртасидаги ташқи савдо айланмасида тайёр маҳсулотлар улуши сезиларсиз. Бу эса ҳар иккала мамлакатда иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, экспорт таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори товарлар улушини ошириш

борасида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар доирасининг кенглигини кўрсатади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги савдо алоқаларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган қатор объектив ва субъектив омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Жумладан:

- Ўзбекистон ва Қозоғистонда амалга оширилаётган иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта қуриш сиёсати ривожланган мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни рағбатлантирди. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва модернизациялаш янги техника ва технологияларни кенг миқёсда сотиб олишни тақозо этади. Бундай техника ва технологияларни эса фақат узоқ хориж мамлакатларидан сотиб олиш мумкин;

- икки мамлакат иқтисодийлари таркибининг ўхшашлиги ўзаро савдо алоқалари ҳажмининг қисқаришига олиб келган сабаблардан яна биридир. Гап шундаки, минтақа мамлакатлари томонидан экспорт қилинадиган товарларнинг аксарияти (ёқилғи-энергетика ресурслари, қимматбаҳо металллар, пахта толаси ва бошқалар) ҳар иккала республикада ишлаб чиқарилади;

- мамлакатларда амалга оширилаётган импорт ўрнини босиш сиёсати натижасида кўплаб эҳтиёжларни ички ишлаб чиқариш эвазига қоплаш имконияти пайдо бўлди. Масалан, Ўзбекистонда ғалла ва энергетика мустақиллигига эришиш дон ва ёқилғи ресурслари импортининг сезиларли даражада қисқаришига олиб келди. Бу маҳсулотларнинг аксарият қисми Қозоғистондан сотиб олинар эди;

- Ўзбекистон ва Қозоғистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар стратегиясидаги тафвутлар ва ҳоказо.

Шу муносабат билан мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш, савдо алоқаларининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш борасида қатор ишларни амалга ошириш лозим. Шу мақсадда

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг 2010 йил 16-17 мартдаги учрашувида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Зеро, бундан икки томон ҳам бирдек манфаатдор.

Ўзбекистонда самолётлар, автомобиллар, автобуслар, юк ташиш машиналари, қишлоқ хўжалиги техникаси, кабеллар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади, пахта, пилла, мева ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Қозоғистонда буларнинг барчасига талаб бор. Айни пайтда Ўзбекистон бозорида ҳам Қозоғистон экспортчилари учун кенг фаолият майдони мавжуд. Энергия манбаларини қазиб олиш, узатиш, транзит қилиш ҳам ҳамкорлик учун яхши соҳадир. 2009 йилда Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон орқали Хитойга табиий газ етказиб берадиган қувур ишга тушди.

Бу кўп томонлама ҳамкорлик муваффақиятига ёрқин мисолдир. Мамлакатларимиз ёқилғи манбаларининг йирик захираларига эга ва бу соҳадаги алоқаларни ривожлантириш учун икки томонда ҳам имконият етарли. Икки мамлакатнинг транспорт тармоқлари халқаро транзитдан келадиган даромадни кўпайтириш имконини беради.

Автомобил ва темир йўлларимиздан бир-бирига боғланган ягона умумий тизим сифатида фойдаланишни такомиллаштириш, экспорт-импорт ва транзит юкларнинг эркин ва янада тезкор ҳаракати учун шароит яратиш борасидаги ишларни изчиллик билан мувофиқлаштирилган асосда давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Уларни ҳаётга тўла татбиқ этиш орқали товар айирбошлаш кўрсаткичини бир неча ҳисса ортириш мумкин. Шунингдек, ишбилармонлар, ишлаб чиқариш корхоналари, вилоятлар ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш зарур.

Икки мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти биргаликда юқори технологияли корхоналарни ташкил қилиш, юксак даражадаги қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун яхши замин бўлади. Ўзбекистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам

катта миқдорда хом ашё мавжудлигини инобатга олиб айтиш мумкинки, айниқса, тўқимачилик, кимё, нефт кимёси каби соҳаларда қўшимча қийматни ошириш учун яхши ресурслар бор.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг илмий ва иқтисодий салоҳияти сув захираларидан унумли фойдаланиш борасида ҳам яхши имкониятлар очади. Хусусан, мелиорация ва ирригация йўналишидаги алоқалар муҳим. Сув тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш, ўзлаштириш, бу борада тажриба ва ахборот алмашиш долзарб масаладир.

ХУЛОСА

МДХ мамлакатларида миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш масалаларига бағишланган магистрлик диссертация натижаларини умумлаштириш қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Миллий иқтисодиёт бир бири билан чамбарчас боғланган кўпгина макроиқтисодий элементлардан иборат мураккаб тизимдир. Бу элементлар орасидаги нисбатлар иқтисодий таркиб деб юритилади. Иқтисодиётнинг таркиби халқ хўжалигининг мутаносиблигини, унинг самарадорлиги ва барқарор ўсишини таъминлаш учун улкан аҳамиятга эга.

2. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар деганда унинг ички тузилишидаги ҳар қандай ўзгаришлар, иқтисодиётни ташкил этувчи унсурларнинг ўзаро алоқалари ва сифат ўзгаришларига сабаб бўлувчи алоқалар қонуниятлари тушунилади. Иқтисодиёт таркиби – кўп қиррали тушунча бўлиб, уни хўжалик тизимининг турли элементларининг ўзаро нисбатини акс эттирувчи ҳар хил нуқтаи – назардан кўриб чиқиш мумкин. Одатда тармоқ, такрор ишлаб чиқариш, ҳудудий ва ташқи савдо таркиблари ўзаро фарқланади.

3. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш борасида олиб борилган чора-тадбирлар натижасида ижобий сифат ўзгаришларига эришилди. Бу аввалам бор ЯИМнинг тармоқ таркибида рўй берган ўзгаришларда ўз аксини топади. Саноатни устувор тарзда ривожлантириш, тармоққа инвестициялар жалб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида тармоқнинг ЯИМдаги улуши сезиларли даражада ортди. Агар 2010 йилда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 14,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етди, айни вақтда қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бу даврда 30,1 фоиздан 17,1 фоизгача, яъни 13 фоиз нуқтасига пасайди.

4. Янги қувватларни ишга туширилиши, маҳсулот турларини диверсификация қилиш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни

ўзлаштириш нафақат тармоқнинг ЯИМдаги улуши ўзгаришига, балки ички тармоқ таркибининг ўзгаришига ҳам олиб келди. 2000-2011 йиллар давомида саноат ишлаб чиқариш таркибида ёқилғи саноати, металлургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати тармоқларининг улуши ортди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғининг улуши 2000 йилда 9,9 фоиздан иборат бўлган бўлса 2011 йилда 16,1 фоизни ташкил этди.

5. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида Қозоғистон ялпи ички маҳсулоти таркибида қатор ўзгаришлар юз берди. Хусусан, 200-2011 йилларда қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 8,2 фоиздан 4,5 фоизга пасайган бўлса, қурилишнинг салмоғи 5,2 фоиздан 7,7 фоизга, хизматлар соҳасининг улуши 47,4 фоиздан 50,4 фоизгача ўсган. Бундай ўзгаришлар, энг аввало, Қозоғистон ҳукумати томонидан олиб борилаётган таркибий ислоҳотлар натижасида юз берган.

6. Гарчи саноат ишлаб чиқаришининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000-2011 йилларда деярли ўзгаришсиз қолган бўлса-да, қазиб олиш саноатининг тобора каттароқ улушга эга бўлиб бораётгани салбий ҳодиса ҳисобланади. Кўриниб турибдики, 2000 йилда қазиб олиш саноатининг улуши 13 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 19,5 фоизга етган. Айни вақтда қайта ишлаш саноатининг салмоғи 16,5 фоиздан 11,3 фоизгача пасайган. Бундай ўзгаришлар шундан далолат берадики, Қозоғистон саноатида ҳам ашёга йўналганлик даражаси ортиб бормоқда.

7. Таҳлил натижаларини умумлаштириш натижалари шундан далолат берадики, Ўзбекистон ва Қозоғистонда саноат ишлаб чиқаришининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қишлоқ хўжалиги улушидан юқори эканлиги кузатилди. Бошқача қилиб айтганда, Қозоғистон ва Ўзбекистонда индустриал-аграр хусусиятга эга иқтисодиёт шаклланган. Шу билан бирга ҳар иккала мамлакат иқтисодиётининг тармоқ таркибида ижобий ўзгаришлар юз бераётган бўлса-да, унда ҳам ашё маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи саноат

тармоқлари улуши юқори даражада сақланиб қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётининг раоқбатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистонда иқтисодиёт тармоқ таркибининг ривожланмаганлиги ва уни такомиллаштириш зарурияти ташқи савдонинг тармоқ таркибини таҳлил қилганда яққолроқ намоён бўлади.

8. Қозоғистон Республикаси ташқи савдоси муттасил ўсиб борди. Ушбу даврда мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси 13,8 млрд. АҚШ долларидан 126,1 млрд АҚШ долларигача, яъни 9 мартага, шу жумладан, экспорт ҳажми 8,8 млрд АҚШ долларидан 88,1 млрд. АҚШ долларигача, яъни 10 мартага, импорт ҳажми 5 млрд АҚШ долларидан 38 млрд АҚШ долларигача, яъни 7,6 мартага ошган. Экспортнинг импортга нисбатан юқори суръатларда ўсиши натижасида ташқи савдо сальдосининг ижобий қиймати 2000 йилда 3,6 млрд. АҚШ доллардан 2011 йилда 50,1 млрд. АҚШ долларигача, яъни 13,9 мартага кўпайган.

9. Худди шундай тенденцияни Ўзбекистон Республикасида ҳам кузатиш мумкин. Мамлакатимизда ташқи савдо айланмаси ҳажми 2000-2010 йиллар давомида 6,2 млрд доллардан 25,5 млрд долларгача, яъни 4,1 мартага ўсган бўлса, экспорт ҳажми 3,26 млрд доллардан 15 млрд долларгача, яъни 4,6 мартага, импорт ҳажми 2,95 млрд доллардан 10,5 млрд долларгача, яъни 3,6 мартага ўсди. Экспорт ҳажмининг импорт ҳажмига нисбатан юқорироқ суръатларда ривожланиши натижасида 2011 йилда мамлакатимизда 4,5 млрд долларлик ижобий сальдо шаклланди.

10. Таҳлил натижаларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Ўзбекистон ва Қозоғистон экспорти таркибида хом ашё товарларининг юқори улушга эга эканлиги бу мамлакатларида экспорт ҳажмининг жаҳон хом ашё бозорлари конъюнктурасига боғлиқ қилиб қўймоқда. Бу эса экспорт таркибини диверсификациялаш ва экспорт таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори бўлган товарлар улушини оширишни энг долзарб муаммолардан бирига айлантиради.

11. Сўнгги йилларда Қозоғистон экспорт таркибида бир қатор ўзгаришлар юз бериб, ушбу ўзгаришларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- экспорт таркибида энергия ташувчилар ва нефть маҳсулотлари асосий ўринни эгаллайди. Шу билан бирга сўнгги йилларда ушбу экспорт моддаларининг улуши ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда: агар 2000 йилда жами экспортнинг 54,3 фоизи энергия ташувчилар ва нефть маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 69,5 фоизга етди. Бу ҳолат мамлакат иқтисодиётининг хом ашёга йўналганлик даражаси ошганлигидан далолат беради;

- таҳлил қилинаётган давр мобайнида рангли ва қора металлларнинг жами экспортдаги салмоғи пасайди: агар 2000 йилда металлларнинг жами экспортдаги улуши 25,8 фоизга тенг бўлган бўлса, 2010 йилга келиб 17,1 фоизни ташкил этди;

- экспорт таркибида машина ва асбоб-ускуналарнинг салмоғи жуда кичик бўлиб, бу кўрсаткич сўнгги йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Хусусан, машина ва асбоб-ускуналарнинг жами экспортдаги улуши 2000 йилда 2,6 фоиздан 2010 йилда 1,7 фоизгача пасайди;

- таҳлил қилинаётган давр мобайнида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 6,8 фоиздан 4,4 фоизгача, кимё маҳсулотларининг салмоғи 4,3 фоиздан 4,0 фоизгача пасайди.

12. Сўнгги йилларда Ўзбекистон экспортининг товар таркибида бир қатор ўзгаришлар юз бериб, ушбу ўзгаришларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- пахта толаси мамлакат экспортининг асосий моддаси сифатида сақланиб қолаётган бўлса-да, унинг улуши мустақиллик йилларида сезиларли даражада пасайди (1992 йилда 47,9 фоиздан 2010 йилда 11,3 фоизгача);

- мамлакат экспортида энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари тобора катта улушга эга бўлиб бормоқда;

- мамлакат экспорт ҳажмида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда;

- мустақиллик йилларида экспорт таркибида янги модда - хизматлар пайдо бўлди ва унинг жами экспортдаги улуши 2010 йилда 9,1 фоизни ташкил этди;

- сўнгги йилларда қора ва рангли металллар ҳамда машина ва асбоб-ускуналарнинг жами экспортдаги салмоғи сезиларли даражада пасайди.

13. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ҳар иккала мамлакат экспорт таркибида ҳалигача хом ашё маҳсулотлари сезиларли ўринга эга. Бундай ҳолат бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

14. Экспертлар фикрича, Қозоғистон Республикасининг хом ашёга асосланмаган соҳаларига бевосита хорижий инвестициялар кириб келишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар қуйидагилардан иборат:

- Қозоғистон Республикасининг халқаро савдога етарли даражада жалб этилмаганлиги;

- транспорт-логистика инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги;

- хорижий инвесторларнинг ер участкаларидан фойдаланишларидаги мураккабликлар;

- хорижда Қозоғистон Республикаси ҳақида маъмурий бошқарув устувор ўринга эга мамлакат сифатида имижнинг шаклланганлиги ва ҳ.к.

15. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ташқи савдо айланмасида Қозоғистон Республикаси энг катта салмоққа эга. Агар 2004 йилда Марказий Осиё мамлакатлари билан жами ташқи савдо айланмасининг 50,8 фоизи Қозоғистон Республикаси ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 83,7 фоизга тенг бўлди. Бу, энг аввало, икки мамлакат иқтисодий салоҳиятининг минтақанинг бошқа мамлакатларга нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги билан изоҳланади. Умуман, таҳлил қилинаётган давр мобайнида бу икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси

ҳажми 4,2 мартага ўсган ва 2010 йилда 1808,3 млн долларни ташкил этган. Хусусан, 2004-2010 йилларда Ўзбекистондан Қозоғистонга экспорт қилинган товар ва хизматлар экспорти ҳажми 184,7 млн доллардан 852,1 млн долларгача, яъни 4,6 мартага, Қозоғистондан импорт қилинган товар ва хизматлар ҳажми эса 241,2 млн доллардан 956,2 млн долларгача, яъни 4 мартага ўсган.

16. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги савдо алоқаларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган қатор объектив ва субъектив омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Жумладан:

- Ўзбекистон ва Қозоғистонда амалга оширилаётган иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта қуриш сиёсати ривожланган мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни рағбатлантирди. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва модернизациялаш янги техника ва технологияларни кенг миқёсда сотиб олишни тақозо этади. Бундай техника ва технологияларни эса фақат узоқ хориж мамлакатларидан сотиб олиш мумкин;

- икки мамлакат иқтисодийлари таркибининг ўхшашлиги ўзаро савдо алоқалари ҳажмининг қисқаришига олиб келган сабаблардан яна биридир. Гап шундаки, минтақа мамлакатлари томонидан экспорт қилинадиган товарларнинг аксарияти ҳар иккала республикада ишлаб чиқарилади;

- мамлакатларда амалга оширилаётган импорт ўрнини босиш сиёсати натижасида кўплаб эҳтиёжларни ички ишлаб чиқариш эвазига қоплаш имконияти пайдо бўлди. Масалан, Ўзбекистонда ғалла ва энегетика мустақиллигига эришиш дон ва ёқилғи ресурслари импортининг сезиларли даражада қисқаришига олиб келди. Бу маҳсулотларнинг аксарият қисми Қозоғистондан сотиб олинар эди;

- Ўзбекистон ва Қозоғистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар стратегиясидаги тафвутлар ва ҳоказо.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2011. - 40 б.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисидаги”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.29-46.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.65-76.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.77-99.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисидаги”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.159-163.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонуни. 1996 йил 27 декабрь.
- 1.7. Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонуни. 1996 йил 27 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

- 2.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. - Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 74 б.
- 2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. - 66 б.

- 2.3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари - Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 74 б.
- 2.4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 269 б.
- 2.5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 326 б.
- 2.6. Каримов И.А. Мулкдорлар синфни шакллантириш - ислохотларнинг бош мезони. //Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. - Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 5-том. -332-339 б.
- 2.7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 48 б.
- 2.8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 96 б.
- 2.9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
- 2.10. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
- 2.11. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.
- 2.12. Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади //2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. - “Халқ сўзи”, 2012, 20 январь.

- 2.13. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш //Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2013, 19 январь.

3. Асосий адабиётлар

- 3.1. Абдурахмонов Қ.Х., Аллаяров А.Л., Додобоев Ю.Т., Хасанжонов Қ.А. Марказий Осиё давлатларининг регионал иқтисодиёти. – Т.: “Turon-Iqbol” нашриёти, 2006. – 424 б.
- 3.2. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М.: Информационно-внедрический центр «Маркетинг», 2008. – 312 с.
- 3.3. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: «Шарк», 2005. – 464 с.
- 3.4. Алчинов В.М. СНГ – Россия – Евросоюз. Проблемы и перспективы интеграции /В.М. Алчинов; Дипломат. акад. МИД России, Ин-т актуал. междунар. проблем. – М.: Восток – Запад, 2008. – 220 с.
- 3.5. Арифханов Ш.Р. Центральная Азия: настоящее и будущее. – Т., 2010. – 218 с.
- 3.6. Абулқосимов Ҳ.П. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар. – Т.: Akademiya, 2008. – 168 б.
- 3.7. Баринов В.А. Внешнеэкономическая деятельность. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2008. – 192 с.
- 3.8. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: Молия. – 2010. – 328 с.

- 3.9. Вахабов А.В. и другие. ВТО: механизм взаимодействия национальных экономик. Угрозы и возможности в условиях выхода на международный рынок /под ред. С.Ф. Сутырина. – М.: Эксмо, 2008. – 400 с.
- 3.10. Динкевич А.И., Швыдко В. Г. Страны Центральной Азии - новая фаза переходного периода / Ин-т востоковедения РАН. – М., 2005. - 174 с.
- 3.11. Махмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.
- 3.12. Иванов Э.М. Экономические отношения России со странами Центральной Азии / Под ред. Е.М. Кожокина; Рос. ин-т стратег. исслед. - М., 2006. - 127 с.
- 3.13. Кругман П.Р., Обсфельд М. Международная экономика: теория и практика. – М.: МГУ, ЮНИТИ, 1997. – 349 с.
- 3.14. Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник /под ред. проф. А.С. Булатова, проф. Н.Н. Ливенцева - М.: Магистр, 2008. – 654 с.
- 3.15. Портер М. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость. /Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. – 715 с.
- 3.16. Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: Внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. - Т.: Узбекистан, 1996. – 80 с.
- 3.17. Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. Монография. – Ташкент, 2004. – 224 с.
- 3.18. Тўхлиев Н.Т., Ҳақбердиев Қ.Қ., Эрмамамов Ш.Ж., Холматов Н.Б. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 280 б.

- 3.19. Устинов И.Н. Мировая торговля: статистическо-энциклопедический справочник. //И.Н. Устинов. – М.: ЗАО “Издательство “Экономика”, 2006. – 848 с.
- 3.20. Харламова В.Н. Международная экономическая интеграция. – М.: Анкил, 2002. – 208 с.
- 3.21. Центральная Азия: геоэкономика, геополитика, безопасность. Т.: Шарқ, 2002. – 208 с.
- 3.22. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2007. – 248 с.
- 3.23. Черников Г.П. Мировая экономика. – М.: Дрофа, 2003. – 432 с.
- 3.24. Шишков Ю.В. Интеграционные процессы на пороге XXI века: Почему не интегрируются страны СНГ. – М.: НП «III тысячелетие», 2001. – 352 с.
- 3.25. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. /Муаллифлар жамоаси: Р.О. Алимов, А.Ф. Расулев, А.М. Қодиров ва бошқалар. //С.С. Ғуломов таҳрири остида. – Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006. – 440 б.
- 3.26. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий қўғамлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.

4. Журнал ва илмий тўпламлардаги мақолалар

- 4.1. Арифханов Ш. Р. Формирование Центрально-азиатского общего рынка с учетом национальных интересов Узбекистана. //«Экономика Узбекистана» информационно-аналитический бюллетень за 2005 год. – Тошкент, 2006. – №8. – с.117-120.

- 4.2. Бекмурадов А. Внешняя политика Республики Узбекистан в контексте экономической безопасности (методологический аспект) //Xalqaro munosabatlar. – Тошкент, 2000. – №2. - с.3-10.
- 4.3. Доулинг М., Вигнараджа Г. Экономическое возрождение республик Центральной Азии: рубеж пройден //Центр. Азия и Кавказ. - Lulea, 2005. - №6. - с. 120-132.
- 4.4. Зевин Л.З., Ушакова Н.А. Россия и Центральная Азия: Проблемы и перспективы экономических отношений // Восток=Oriens. М., 2005. – №2. - С.77-89; №3. - С.91-103.
- 4.5. Калабин В. Поворот инвестиционных рек /Сайт журнала «Эксперт-Казахстан».
- 4.6. Никулин Н.Н. СНГ в международном разделении труда: национальные интересы и экономическая стратегия. //Вопросы статистики. – М.,2005. - №10. – с.68-72.
- 4.7. Плышевский Страны СНГ: послекризисное оживление экономики. //Проблемы теории и практики управления. – М., 2004. – №3. – с.17-24.
- 4.8. Резникова О.Б. Экономическое развитие государств Центральной Азии и Кавказа: роль внешних ресурсов. //Мировая экономика и международные отношения. М., 2003. – №4. – с.87-96.
- 4.9. Черкасов Н.А. Экономическая деятельность государства в условиях глобализации и региональной интеграции. //Проблемы современной экономики. – М.,2006. - №3/4 (19/20). – с.18-21.
- 4.10. Шишков Ю.В. Отечественная теория региональной интеграции: опыт прошлого и взгляд в будущее. //Мировая экономика и международные отношения. – М., 2006. – №4. – с.54-63.
- 4.11. Шодиев Р. Внешнеэкономическая деятельность Узбекистана: ретроспектива и перспективы развития. //Xalqaro munosabatlar. – Тошкент, 2001. – №3. – Б.31-38.

- 4.12. Шумский Н.Н. Единое экономическое пространство Беларуси, Казахстана, России и Украины: проблемы и перспективы. //Вопросы экономики. – М., 2006. – №4. – с. 114-123.
- 4.13. Шумский Н.Н. Интеграция в Содружестве Независимых Государств: проблемы и перспективы. //Мировая экономика и международные отношения. – М., 1999. – №11. - с.72-83.
- 4.14. Южный фланг СНГ. Центральная Азия - Каспий - Кавказ: энергетика и политика /Под ред. А.В. Мальгина, М.М. Наринского. - М.: Nabona, 2005. - Вып. 2. - 456 с.
- 4.15. Юданов Ю.И. Восточноевропейский регион СНГ: поиск новых концепций «благоприятности инвестиционного климата». //Мировая экономика и международные отношения. – М., 2000. – №10. – с.61-70; №11. – с.104-110.
- 4.16. Юданов Ю.И. Центральная Азия - новый фаворит иностранных инвесторов. //Мировая экономика и международные отношения. – М., 2000 г. – №3. – с. 72-80.

5. Хорижий адабиётлар

- 5.1. Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A Selected. Edited with an introduction and Notes by Kathrin Sutherland. – Oxford University Press, 1998 – P.618.
- 5.2. Anne O. Krueger. Trade Policy and Economic Development: How We Learn. – National Bureau of Economic Research, Working Paper 5896, January 1997. – P. 7-9.
- 5.3. Audretsch, David B. Industrial Organization and The New Industrial Policy. London, Centre for Economic Policy Research, (Discussion Paper Series), October 1998. – P.51.
- 5.4. Balassa, B. The Theory of Economic Integration. – London: Georg Alien & Unwin, 1962. – P.822.

- 5.5. Bertil Ohlin. Interregional and International Trade. - Cambridge: Harvard University Press, 1933. – P.625.
- 5.6. Bhagwati, Jaddish N. and Srinivasan, T.N. A General Equilibrium Thory of Effective protection and Resourse Allocation. – Journal of International Economics, Vol. 3. – P. 259-28.
- 5.7. Bruno and Chenery or Chenery and Bruno. Development Alternatives in an Open Economy: The Case of Israel. – Economic Journal, 1962. – March, №285; Vol. 72. – P.79-103.
- 5.8. Chenery, Hollis B. and Strout, Alan. Foreign Assistance and Economic Development. – American Economic Review, 1966, September, Vol. 56. – P. 679-733.
- 5.9. Stiglitz, Jozef T. Towards a New Paradigm for Development: Strategies, Policies and Process. – Geneva, 1988. – P.56-89
- 5.10. Samuelson Paul. International Trade and the Equalization of Factor Prices. – Economic Journal, 1948. - №58. – P. 163-184.

6. Статистик тўпламлар

- 6.1. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил статистик ахборотномаси. – Т., 2006. – 97 б.
- 6.2. Ўзбекистон иқтисодиёти: Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2007 йил. – Т., 2008. – 128 б.
- 6.3. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил статистик ахборотномаси. – Т., 2008. – 102 б.
- 6.4. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил статистик ахборотномаси. –Т., 2008. – 145 б.
- 6.5. Йиллик статистик тўплам 2008. /Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2009. – 386 б.
- 6.6. Статистическое обозрение Узбекистана за 2009 год. – Т., 2010. – 87 с.

- 6.7. Казахстан сегодня /Агентство Республики Казахстан по статистике. – Астана, 2011. – 245 с.
- 6.8. Казахстан в 2010 году /Статистический ежегодник Казахстана. – Астана: 2011. – С.216-217.
- 6.9. Содружество Независимых Государств в 2011 году. – М., 2010. – 244 с.
- 6.10. Экономка Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень. – Т., 2010. – 70 с.
- 6.11. Экономка Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень. – Т., 2011. – 75 с.
- 6.12. 6.8. Казахстан в 2012 году /Статистический ежегодник Казахстана. – Астана: 2013. – 345 с.

7. Интернет манбалари

- 7.1. <http://www.unctad.org>
- 7.2. www.ifc.org
- 7.3. www.stat.uz
- 7.4. www.bearingpoint.uz
- 7.5. www.cer.uz
- 7.6. www.press-service.uz.
- 7.7. www.cisstat.org.
- 7.8. [www. ereport.ru](http://www.ereport.ru)
- 7.9. <http://www.stat.kz>